

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

А.Н.Мадиев

Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш

фанидан

лекциялар курси

Самарқанд-2010

Мадиев А.Н. Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш.
Лекциялар курси. –Самарқанд: СамИСИ, 2010, 96 бет.

Тақризчилар: Хўжаев Э.Н. - “Молия ва суғурта
хизматлари” кафедраси профессор
Абдуллаев Ш.– “Ўзбекинвест”ЭИМСК
Самарқанд минтақавий бўлими бош менежери

Лекциялар курсида суғурта фаолиятини тартибга солиш
ва мувофиқлаштириш жараёни, суғурта ҳуқуқи ва унинг
таркибига кирувчи асосий қонунчилик ҳужжатлари,
қонунчилик ҳужжатларида суғурта муносабатларининг
ёритилиши тўғрисида фикрлар баён этилган.

Мазкур лекциялар курси Олий таълимнинг 340000
-"Бизнес ва бошқарув" таълим соҳасининг 5341300-
«Суғурта иши» бакалавриат йўналишлари учун
мўлжалланган.

Лекциялар курси Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис
институтини “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг
2010 йил 26 феврал (7-сон йиғилиш баёни) йиғилишида
муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

ЎУКнинг 2010 йил _____ -сонли баённомаси
билан тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4-бет
1-мавзу. Суғурта фаолиятини мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва вазифалари.....	6-бет
2-мавзу. Суғурта фаолиятини юритишнинг ташкилий- ҳуқуқий асослари.....	23-бет
3-мавзу. Суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва суғурта назорти.....	28-бет
4-мавзу. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича шарт- номаларни тузиш ва уни бажариш.....	43-бет
5-мавзу. Қайта суғурталаш компаниялари ва суғурта брокер- ларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибларга солиши....	58-бет
Мустақил ишларни бажариш бўйича маслаҳатлар.....	70-бет
Тестлар	78-бет
Рейтинг тизими бўйича баҳолаш мезонлари.....	84-бет
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91-бет

Кириш

Суғурта соҳасини ривожлантириш ва тараққий эттириш аввало ҳуқуқий базани такомиллаштиришга боғлиқ. Суғурта қонунчилигида суғурта муносабатларини тартибга солиш йўл-йўриқлари акс эттирилади. “Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш” фанида суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта компанияларининг суғурта хизматларини кўрсатишида лицензиялар олиш ва бунда керакли ҳужжатларни тайёрлаш, тақдим этиш, кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва суғурта назорати мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларини ташкил этиш, қайта суғурталаш муносабатларини ташкил этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Суғурта деганда юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади.

Молия – кредит тизими ва унинг ажралмас таркибий қисми бўлган суғурта миллий иқтисодиётда рақобатбардошлигини ва барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармоқда рақобат асосида фаолият кўрсатадиган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келди. Бугунги кунда суғурта бозор ифратузилмасининг муҳим бўғини сифатида иқтисодиётни ривожланиш учун хизмат қиляпти.

Фаннинг вазифаси талабаларда суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш ва давлат томонидан тартибга солиш борасида кўникмалар ҳосил қилиш бўлиб ҳисобланади. Ушбу фан қуйидаги фанлар билан узаро алоқадор ҳисобланади: суғурта иши, суғурта назарияси, ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси, молия, молия органларида назорат ва иқтисодий ишлар ва бошқалар.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг суғурта соҳасида туб ўзгаришлар юз берди. Иқтисодий ислохотлар туфайли тармоқда рақобат асосида фаолият кўрсатадиган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келди. Бугунги кунда суғурта бозор ифратузилмасининг муҳим бўғини сифатида иқтисодиётни ривожланиш учун хизмат қиляпти.

2003 йилнинг 17 февраль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида Президент И.Каримов бозор инфраузилмаси институтларининг ривожланиши хусусида алоҳида тўхталиб, жумладан шундай деди: «Бозор инфратузилмасининг энг муҳим институтларидан бири - тадбиркорлар ва аҳолини эҳтимоли бўлган турли зарарлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта фаолияти ҳам изчил ривожланиб бормоқда».*¹

Таъкидлаш лозимки, суғурта тизимини ривожлантириш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш республика раҳбариятининг доимо диққат-эътиборида бўлиб келаётир. Хусусан, 2002 йилнинг 31 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда суғурта-хизматлари бозорини тараққий этиши борасида янги имкониятлар яратди. Мазкур Фармонга мувофиқ, суғурта ташкилотлари, мулк шаклидан қатъий назар, даромад (фойда) солиғи тўлашдан уч йил муддатга озод этилди.

Умуман лекциялар курсида суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уни давлат томонидан тартибга солиш, суғурта компанияларининг фаолиятини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган.

* Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир.

Президент И.Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил 18 февраль.

1-мавзу. Суғурта фаолиятини мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва вазифалари

Асосий саволлар:

1. «Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш» фанининг предмети ва тузилиши.
2. Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш.
3. Суғурта қонунчилиги ва ҳуқуқ, уларнинг бир-биридан фарқи.
4. Қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларида: суғурта манфаати, суғуртавий ҳимоя, суғурта тавакалчилиги ва унинг турлари, суғурта шартномаси ва унинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, суғурта полиси, суғурта ходисасилари рўй берганда томонлар ўртасидаги муноабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Таянч сўз ва иборалар:

Суғурта ҳуқуқи - бу суғурта муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меёрларлар тизимидир.

Суғурта полиси – бу суғурталовчи номидан имзоланган ва суғурталанувчига амалдаги қонунчиликка биноан топширилган ҳужжат.

Суғурта мукофоти - бу суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Суғурта жавобгарлиги – суғурталанувчи ва суғурталовчининг шартномада ва қонунда кўзда тутилган жавобгарлиги ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифаларидир.

Суғуртанинг объекти – мулк суғуртасида объект сифатида моддий бойликлар, мол-мулк кўзда тутилса, шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти кўзда тутилади.

Суғурта субъекти – Қонуннинг 5-моддасида қуйидагича суғурта субъектига таъриф берилган: Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектидир.

Дарс мақсади: Талабаларга фанининг предмети ва тузилиши, суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, суғурта қонунчилиги ва ҳуқуқ, уларнинг бир-биридан фарқи, қонунлар ва қонунчилик ҳужжатларида: суғурта манфаати, суғуртавий ҳимоя, суғурта тавакалчилиги ва унинг турлари, суғурта шартномаси ва унинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, суғурта полиси, суғурта ходисасилари рўй берганда томонлар ўртасидаги муноабатларни ҳуқуқий тартибга солиш тўғрисида тушунчалар бериш. Бу эса идентив ўқув мақсадлари доирасида талабаларда илмий-амалий кўникма ҳосил

килишида муҳим роль ўйнайди, яъни талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавзунинг саволларини ёритиб бера олади.

Таянч маъруза матни.

“Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш” фанида суғурта фаолиятини ташкил этиш, суғурта компанияларининг суғурта хизматларини кўрсатишида лицензиялар олиш ва бунда керакли хужжатларни тайёрлаш, тақдим этиш, кўриб чиқиш, экспертизадан ўтказиш, суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва суғурта назорати мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларини ташкил этиш, қайта суғурталаш муносабатларини ташкил этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Фан ўз ичига суғурта фаолиятини мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва вазифалари, суғурта фаолиятини юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва суғурта назорти, қайта суғурталаш компаниялари ва суғурта брокерларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибларга солиши, мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича шартномаларни тузиш ва уни бажариш каби мавзуларни қамраб олган.

Суғурта ҳуқуқи бу инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир буладиган табиий офатлар, фавкулотда ходиса ва бошқа воқеалар натижасида етказилган зарар ҳамда талофатларни жисмоний ва юридик шахслар тулаган суғурта бадаллари (суғурта пули) дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тулик ва қисман коплаш йули билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга солувчи, уз ичида оммавий ҳамда хусусий ҳуқуқ меъерларини мужассам этган тузилмадир. Соддарок қилиб айтганда **суғурта ҳуқуқи** уз ҳуқуқ меъёрларидан иборат бўлиб, бу меъёрлар суғурта муносабатларига киришувчи барча суғурта субъектларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солишга хизмат қилади. Яъни - **суғурта ҳуқуқи** - бу суғурта муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрларлар тизимидир.

Ҳозирги кунга келиб дуне олимлари ўртасида суғурта ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимидаги урни мавзусида баҳс кетмокда. Купгина цивилист - олимлар суғурта ҳуқуқини алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида баҳолашса (К.А. Граве, Л.А.Лунц, Ю.К. Толстой), В.Н. Яковлев ва О.В. Красавчиков суғурта ҳуқуқига ҳуқуқ институти деб баҳо беришади.

Суғурта ҳуқуқи турли хил ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи комплекс тузилма сифатида фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида институтларини, ҳамда давлат, маъмурий, молиявий ҳуқуқларнинг юридик нормаларини уз ичига қамраб олади. Масалан, суғурта ҳуқуқи субъектлари еки суғурта шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар

ва зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар масаласи бевосита Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солиб булинган масалалар. Мажбурий суғурта еки суғурта ташкилотлари фаолиятини лицензиялаштириш масалалари бевосита давлат ҳуқуқи билан боғликлиги яққол кузга ташланиб турибди. Яъни, суғурта ҳуқуқи хали алоҳида тармок сифатида эмас балки, яна бир бор қайтариб утамыз, комплекс тузилма сифатида Ўзбекистон республикаси ҳуқуқи тизимида уз урнини эгаллаб турибди. Давлат ва жамиятнинг иктисодий, ижтимоий ривожланиши, хусусий мулкнинг, кичик ва урта бизнеснинг, халқаро иктисодий муносабатларнинг такомиллашуви суғурта муносабатларини тартибга солувчи меъерларнинг автономиясига олиб келиши, яъни суғурта ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқ тармоғи сифатида шаклланишига олиб келиши аниқ.

Суғурта ҳуқуқининг алоҳида тармок сифатида шаклланиши ва ривожланиши учун ҳозирги кунда замин мавжудлиги унинг бошқа ҳуқуқ тармоклари сингари, авваламбор, уз предмети борлигида намоён бўлади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ манфаатларини суғурта қилиш орқали ҳимоя қилишдан келиб чиқадиган ижтимоий (иктисодий) муносабатлар суғурта ҳуқуқи предмети ҳисобланади. Соддарок қилиб айтадиган бўлсак, уз мулкӣ манфаатларини суғурта қилмокчи бўлган шахснинг (хоҳ юридик, хоҳ жисмоний), унда бу истак пайдо бўлган даврдан то суғурта шартномасидан келиб чиккан барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар бажарилгунга қадар, уз мулкӣ манфаатларини суғурта орқали ҳимоя қилиш учун амалга оширадиган барча хатти – ҳаракатлари суғурта ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Бунда суғурта муносабати катнашчиларининг ҳуқуқӣ ҳолати, суғурта шартномлари ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва шу қаби бошқа масалалар юзага чиқади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси суғурта ҳуқуқи туғрисида гапирар эканмиз, уни хали энди шаклланиб бораётган, лекин Республикамиз иктисодини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ тармоғи сифатида баҳолашимиз мумкин.

Инсон фаолиятининг турли соҳаларида табиий офатлар, фавқулотда талофатлар ва бошқа ҳодисалар оқибатида етказилган моддий ва ҳаётӣ зарарларни қоплаш билан боғлиқ бўлган тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларини ўзида мужассамлаштирадиган ҳимоя туридир. Бундай муносабатлар Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар миқёсида объектларга ҳамда инсонлар ҳаётига етказилиши мумкин бўлган зарарлардан суғуртавий ҳимояланишни кўзда тутати. Шунга кўра, суғуртавий ҳимоя-бу, фавқулотда, кўзда тутилмаган, офат ҳодисалардан ҳимояланишнинг энг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда қуйидаги қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисидаги” Қонуни 2002 йил апрел ойида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида қабул қилинган бўлиб, суғурта муносабатлари профессионал иштирокчиларинининг фаолиятини тартибга солишга қаратилган(Ушбу Қонунга Ўзбекистон Республикасининг 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 14.09.2007 й. ЎРҚ-108-сон Қонунларига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган). Қонунда суғурта ташкилотларини ташкил қилиш, уларни рўйхатга олиш, фаолиятини лицензиялаш каби масалалар кўрилиб, бу масалаларнинг тартибга солиниши республика суғурта бозорини ривожланишида катта аҳамият касб этади. Қонунда яна бир муҳим масала, яъни чет эл фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни, чет эл юридик шахсларини суғурта қилиш масаласи тартибга солиниши кўзда тутилган бўлиб, бу масалаларнинг ечими чет эл сармояларини олиб киришини фаоллаштириш даврида эътиборлидир.

Қонуннинг мақсади суғурта фаолиятидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Қонун 29 моддадан иборат бўлиб, унда суғурталанувчи ва суғурталовчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари, суғуртанинг соҳалари ва унинг турлари, суғурта объекти ва субъектига тарифлар, суғурта шартномасини тузиш тартиби, суғурта бозори қатнашчилари, суғурта компанияларини ташкил этиш тамойиллари, уларнинг устав фонди, суғурта фаолиятини лицензиялаш ва чет эл суғурта ташкилотлари фаолияти кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. 10 апрелдаги N ПҚ-618 сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурта ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 - 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури маъқулланган.

Бундан асосий мақсад:

-суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш;

-кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узоқ муддатга суғурталаш, шу жумладан, суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

-республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш;

суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган.

Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2008 йил 1 январгача бўлган муддатда устав капитали миқдорининг мазкур қарор билан тасдиқланган миқдорига етказиш ва Суғурта бозорининг профессионал катнашчилари тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминлаш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республика суғурта компанияларининг қуйидагилар фаолиятининг асосий йўналишлари бўлган Ўзбекистон суғурта бозори профессионал катнашчилари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди ва қуйидаги вазифалар юклатилди:

-суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очик-ойдинлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суғурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

-потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суғурта соҳасига инвестициялашда кўмаклашиш;

-республика аҳолиси ўртасида суғурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

-суғурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суғурта бозори профессионал катнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 17 апрелдаги № ПҚ-325 сонли “Ўзбекистон республикасида 2006-2010 йилларда Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

Мазкур қарорга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.02.2007 й. ПФ-3850-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.05.2007 й. ПҚ-640-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

Ушбу қарорда қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисобланган:

-хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмийлик тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда

хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

-2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

-қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

-анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истиқболли - юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

-мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

-хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳаларидаги корхоналар учун (шу жумладан суғурта ташкилотлари) 2006 йил 1 апрелидан бошлаб 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. 21 майдиги N ПҚ-640 сонли “Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги қарори.

Ушбу қарор билан Республика Президентининг 2006 й. 17 апрелдаги N ПҚ-325 сонли қарорига ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикасида 2007 - 2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг янгиланган асосий параметрлари;

2007 - 2010 йилларда республика ҳудудларида хизматларнинг асосий турларини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари,

"Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2007 - 2010 йилларда ривожлантириш дастури"нинг мавжуд эҳтиёжни ҳисобга олиб аниқлаштирилган ва тўлдирилган асосий йўналишлари ва тадбирлари белгилаб берилган.

Республикаси Президентининг 2006 й. 17 апрелдаги N ПҚ-325 сонли қарорида кўрсатилган хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхоналарга даромад солиғи бўйича имтиёзлар 2010 йилнинг 31 декабригача узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ 872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада

ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ги қарори

Ушбу қарорда 2010 йил 1 январидан бошлаб, суғурталовчилар Устав капиталининг энг кам миқдори:

-умумий суғурталаш тармоғида - 750 минг еврога эквивалент суммада;

-хаёт суғуртаси тармоғида - 1000 минг еврога эквивалент суммада;

-мажбурий суғурта бўйича - 1500 минг еврога эквивалент суммада;

-фақат қайта суғурталаш бўйича - 4000 минг еврога эквивалент суммада белгиланиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари суғурталовчилар қимматбаҳо қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга бўлиши ва бунинг учун лицензия олиш талаб қилинимаслиги белгилаб қўйилди.

2008 йил 1 июндан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича оладиган фойда (даромад) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан , суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлари фойда (даромад) солиғидан 3 йил муддатга озод қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдага қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Қонуни

Ушбу қонун 6 та боб 41 та моддадан иборат.

Ушбу қонуннинг асосий принципи жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланишидир.

Ушбу қонуннинг 6 моддасида Транспорт воситалари эгалари транспорт воситаларидан фойдаланишда бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва шартларда суғурталашлари шарт деб кўрсатилган.

Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш мажбурияти қуйидаги транспорт воситаларининг эгаларига нисбатан татбиқ этилмайди:

-энг катга конструктив тезлиги соатига йигирма километрдан ошмайдиган транспорт воситалари;

-тиркамалар ва икки, уч ғилдиракли ёки иш ҳажми эллик куб сантиметргача бўлган двигателъ ёки инсон ёхуд ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган бошқа транспорт воситалари;

-Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг транспорт воситалари, бундан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хўжалик фаолиятини таъминлаш учун

фойдаланиладиган автобуслар, енгил автомобиллар, бошқа транспорт воситалари мустасно;

-чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари, агар улар эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган халқаро мажбурий суғурта тизимлари доирасида суғурталанган бўлса.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 141-сонли қарори

Ушбу қарор билан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш (кейинги ўринларда мажбурий суғурта қилиш деб аталади) бўйича суғурта пули 3 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг миқдорда белгиланди.

Ушбу қарорга мувофиқ қуйидагилар тасдиқланди:

-Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ ;

-Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармасининг кузатув кенгаши ТАРКИБИ;

-Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармаси дирекциясининг ТУЗИЛМАСИ

-Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш **ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу қоидалар 9 та боб 82 моддадан ва 6 та иловадан иборат.

1 илова: Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси бланкаси намунаси.

2-илова: Махсус давлат белгиси шакли.

3 илова: Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузиш тўғрисида ариза- анкета.

4 илова: Суғурта тўғрисида маълумотлар

5 илова: Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта тарифлари, уларнинг чекланган даражаси, тузилмаси ва суғурта мукофотини белгилашда суғурталовчилар томонидан уларнинг қўлланиш тартиби.

6 илова: Юз берган воқеа тўғрисида ариза

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори билан тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта

брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги Низомга қўшимчалардан иборат

Суғурта полиси. Суғурта полиси – бу Суғурталовчи номидан имзоланган ва суғурталанувчига амалдаги қонунчиликка биноан топширилган ҳужжат. Суғурта полиси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 927 моддасига мувофиқ суғурта шартномаси ҳисобланиб, суғурталанувчига суғурта мукофоти тўлангандан кейин берилади.

Суғурта манфаатдорлиги. Бу, суғуртада моддий манфаатдорлик ўлчовидир. Чунки, суғурта масалалари билан шуғулланиш, унга нисбатан манфаатдорликдан бошланади. Жумладан, ишлаб чиқаришни, қолаверса, инсон ҳаётини турли кўринишдаги ҳафв хатарлардан ҳоли эмаслиги сабабли уларни иқтисодий ҳимоя қилиш мақсадида суғурталаш масалаларига кизиқиш бошланади. Айни вақтда ушбу суғурта объектлари зарар кўрганда Суғурталанувчига суғурта товони берилади. Шунга кўра Суғурталанувчи бундай ҳолатларда Суғурталовчидан суғурта товонини олишдан манфаатдор бўлади. Суғурталовчи эса, кўрсатилган суғурта хизматлари учун Суғурталанувчидан суғурта мукофотини олишдан манфаатдор бўлади.

Суғурта шартномаси. Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади. Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд - суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари кўлланишга ҳақли.

Суғурта шартномасининг муҳим шартлари

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

-юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурталанган шахс тўғрисида;

-суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ходисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Суғурта пули. Мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

-мол-мулк учун - унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;

-тадбиркорлик хавфи - суғурта ходисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мол-мулкнинг суғурта қиймати. Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар

қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно.

Суғурта мукофоти ва суғурта бадаллари.

Суғурта мукофоти деганда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи тушунилади.

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни аниқлайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган суғурта тарифларига мувофиқ белгиланади.

Агар суғурта шартномасида суғурта мукофотини бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган бўлса, шартномада навбатдаги суғурта бадалларини белгиланган муддатларда тўламаслик оқибатлари кўрсатиб қўйилиши мумкин.

Агар суғурта ҳодисаси тўлаш муддати ўтказиб юборилган навбатдаги суғурта бадали тўланишидан олдин юз берган бўлса, суғурталовчи мулкий суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта товони ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пули миқдорини суғурта мукофотининг ўзига тўланган қисмига мутаносиб суммада чеклашга ва муддати ўтказиб юборилган суғурта бадали суммасини ҳисобга олишга ҳақли.

Суғурта мукофоти қуйидаги қисимлардан ташкил топган:

Брутто мукофот = нетто мукофот + қушимча юк.

Нетто мукофоти – бу суғурта товони тўлови учун суғурта жамғармасини шакиллантириш учун аҳамиятга эга.

Қўшимча юк - бу суғурталовчининг суғуртани амалга ошириш учун кетадиган харажатларни қоплаш.

Суғурта шартномасининг ҳақиқий эмаслиги.

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас:

-шартнома тузилаётган пайтда суғурта объекти мавжуд бўлмаса;

-жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса;

-шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;

-суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда тутилган бўлса.

Суғурта шартномаси бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Суғурталанган шахсни, наф олувчини, суғурла қилдирувчини алмаштириш.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган ҳолларда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи бу шахсни суғурта ҳодисаси юз бергунча исталган вақтда, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи томонидан шу суғурталанган шахс ва суғурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини бошқа шахсга, бу ҳақда суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, алмаштиришга ҳақли. Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган наф олувчини алмаштиришга фақат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Наф олувчи суғурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки суғурта товонини ёхуд суғурта пулини тўлаш тўғрисида суғурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Мол-мулкни суғурталаш шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Шахсий суғурта шартномасини суғурталанган шахс фойдасига тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар суғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Суғурталанган шахс суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Суғурта шартномаси амал қилишининг бошланиши.

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган

пайтда кучга киради.

Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Суғурта шартномасининг муддатида илгари бекор бўлиши.

Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ҳодисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

-суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

-тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

Суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатида олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ҳодисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатида илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.

Суғурта ҳодисаси юз бергани тўғрисида суғурталовчини хабардор қилиш.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини

беради.

Суғурталовчини суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилиш.

Суғурталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилинади:

- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида;
- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар.

Агар мулкӣ суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.

Суғурта товони ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш.

Суғурталовчи мулкӣ суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

-суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

-суғурта шартномаси Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

-суғурталовчи Фуқаролик Кодексининг 951-954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товонини ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганда;

-суғурталовчи Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатганида.

Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;

-ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суғурта қилиш;

-махсус ваколатли давлат органи белгиладиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

-суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

-суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огоҳлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгиладиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

-суғурталовчи томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қоидаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

-суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

-суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

-суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

-суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

-чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

-илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

-Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

-ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

-Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

-суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

-суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

-ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

-қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

-суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

-фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда етказиши;

-суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

-қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

-махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

-махсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

-қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиши шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Суғурта мажбурияти. Суғурта таваккалчиликлари. Суғурта мажбуриятлари. Суғурталанувчи ва суғурталовчининг қонунда ёки шартномада кўзда тутилган жавобгарлиги ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифаларидир. Агар кўрсатилган суғурта ҳодисаларидан бири содир бўлса, у ҳолда суғурта ташкилотлари ўз зиммасига олган мажбурият асосида суғурта товонини тўлайди. Давлат суғурта ташкилотлари ташкилотлари томонидан кўзда тутилган жавобгарликлар хусусий суғурта ташкилотларида кўзду тутилган жавобгарликдан фарқ қилади. Бундан ташқари ҳар бир суғурта ташкилоти суғурта ҳар бир тури бўйича ўз жавобгарлигини ўзи белгилайди.

Суғурта таваккалчилиги. Суғурта таваккалчилиги тахмин қилинган воқеа бўлиб, ана шу воқеа юз беришидан эҳтиёт шарт суғурта қилиш амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. «Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш» фанининг предмети ва тузилиши айтиб беринг.
2. Суғурта ҳуқуқи нима?
3. Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда қандай ҳужжатлардан фойдаланилади?
4. Суғурта қонунчилиги ва ҳуқуқ, уларнинг бир-биридан фарқи нимада?
5. Суғурта манфаати, суғуртавий ҳимоя, суғурта тавақалчилиги ва унинг турлари ҳақида тушунча беринг.

Талабанинг мустақил иш топшириқлари:

1. Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиш.
2. Қонунчиликда суғурта шартномаси ва унинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, суғурта полиси, суғурта ходисасилари рўй берганда томонлар ўртасидаги муноабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари билан танишиб чиқиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни
4. Абдуллаев Й. Суғурта.(Маърузалар курси). Самарқанд. 2003. – 138 бет
5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. СПб.: Питер, 2002. -256 с
6. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
7. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
8. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
9. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет.
10. Основы страховой деятельности. Учебник. / Отв.ред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
11. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2001.- 311 с.
12. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил,

2000.

13. Интернет сайтлари:

www.mf.uz

www.bir.uz

www.straxovka.ru

**2-мавзу. Суғурта фаолиятини юритишнинг ташкилий-
ҳуқуқий асослари
Асосий саволлар:**

1. Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши.
2. Турли мулкчиликка асосланган суғурта ташкилотларини фаолият кўрсатиши.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзаро суғурта қилиш жамияти.

Таянч сўз ва иборалар:

Суғурта жавобгарлиги – суғурталанувчи ва суғурталовчининг шартномада ва қонунда кўзда тутилган жавобгарлиги ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифаларидир.

Суғуртанинг объекти – мулк суғуртасида объект сифатида моддий бойликлар, мол-мулк кўзда тутилса, шахсий суғуртада фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва меҳнат қобилияти кўзда тутилади.

Суғурта субъекти – Қонуннинг 5-моддасида қуйидагича суғурта субъектига таъриф берилган: Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектидир.

Суғурта мукофоти – Ўзбекистон Республикаси ФК 942-моддасида суғурта мукофоти деб суғурталанувчининг суғурталовчи ташкилотга тўлайдиган суммаси тушунилади дейилган.

Дарс мақсади: Талабаларга суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши, турли мулкчиликка асосланган суғурта ташкилотларини фаолият кўрсатиши, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни, ўзаро суғурта қилиш жамияти тўғрисида тушунчалар бериш. Бу эса идентив ўқув мақсадлари доирасида талабаларда илмий-амалий кўникма ҳосил қилишида муҳим роль ўйнайди, яъни талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавзунинг саволларини ёритиб бера олади.

Таянч маъруза матни.

Ўзбекистон мустақилликка эришган сўнг, бозор иқтисодиётига ўтишда кўп мулкчилик муносабатларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратди. Хусусийлаштириш жараёнининг босқичма-босқич

олиб борилиши, иқтисодиётда турли хил мулкчилик шаклидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатишига кенг йўл очиб берди. Шу ўринда суғурта соҳасида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг турли хил мулкчиликка асосланган кўринишлари барпо этилди. Албатта суғурта компанияларининг сонининг ортиши, мулкчилик муносабатларининг тараққий этиши суғурта соҳасидаги хизматларнинг сони ва сифатининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

1992- 1994 йилларда иқтисодиётнинг барча бўғинларида монополияга барҳам бериш ва хусусийлаштириш жараёни кучайишига қарамасдан, Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта муассасаларининг устунлиги сақланиб қолинди. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ жойларидаги асосий суғурта операциялари Ўзбекистон Молия Вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда давлат суғурта ташкилотлари томонидан жами 2415.1 млн. рубл миқдорида суғурта бадаллари йиғилиб олинган. Бу кўрсаткич 1991 йилда йиғиб олинган суғурта бадаллари уч марта кўпдир. Агар, ушбу даврда суғурта бадаллари таркибини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, умумий ҳажмда шахсий суғуртани улуши кам эканлиги кўрамиз. Хусусан, 1991 йилда суғурта бадалларининг умумий ҳажмда шахсий суғуртанинг улуши 38.5 фоизни ташкил этаган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 16.2 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби, пулнинг қадрсизлиниши ва ўша пайтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй берган тангликлар билан боғлиқдир. Шахсий суғурта тури бўйича 1990 йилда 6915.9 мингта шартномалар тузилган бўлса, бу кўрсаткич 1992 йилда 2624.0 мингтани ташкил этди ёки шартномалар сони 2.6 мартага камайди.

Шуни алоҳида такидлаш зарурки, юридик шахсларнинг мол-мулкларини ихтиёрий суғурта қилиш иқтисодий нуқтаи-назардан самарали ҳисобланади. Чунки, иқтисодий ислохатларнинг моҳияти ҳам кўпроқ корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзаро боғланган чора тадбирлар мажмуаси амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай чора-тадбирлардан бири корхоналарни мол-мулкни ихтиёрий суғурта қилишдир. 1992 йил статистик маълумотларига кўра давлат суғурта органлари томонидан йиғиб олинган жами суғурта бадаллари ҳажмида мол-мулк суғуртасининг улуши камайиб кетди.

1992-1994 йил ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ операцияларни ўтказиш фақат, давлат суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилди. Бундай суғурта турларига қишлоқ хўжалик мол-мулкни суғуртаси, фуқароларни мол-мулкни суғуртаси ва йўловчиларни бахтсиз ходисалардан мажбурий суғурта қилишни ўз ичига олган эди. Шу ерда таъкидлаш зарурки,

1991 йилнинг 1 январидан бошлаб собиқ иттифок ҳудудида қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкани мажбурий суғурта қилиш бекор қилинган эди. Аммо, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисоблангани учун, бу тармоққа қарашли мол-мулкларининг суғурта қилиш ишлари узлуксиз давом эттирилди. 1993 йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкани мажбурий қилиш жорий этилди.

1993-1994 йиллар давомида суғурта соҳасида монополиядан чиқарилиш жараёни бир мунча тезлашди. 1994 йил охирларида мамлакат нодавлат секторида 60 дан ортиқ суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади.

Суғурта бозорида рақобатни чеклаш ёки бартараф этишга, бир суғурталовчиларга бошқаларига қараганда асоссиз афзалликлар берилишига ёки олинмишига, суғурта қилдирувчилар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига қаратилган фаолиятга йўл қўйилмайди.

Суғурталовчилар ва суғурта воситачиларига ўз уюшмалари (иттифоклари) ва бошқа бирлашмаларидан суғурта бозорини монополлаштиришга қаратилган битимларга эришиш йўлида фойдаланиш тақиқланади.

Суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа турдаги хўжалик субъектлари фаолиятидан кескин фарқ қилади. Чунки, улар ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашда ва суғурта ходисалари рўй берганда етказилган зарарни қоплаш учун хизмат қиладилар. Бу ҳолат суғуртачилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, шунинг учун, улар давлат томонидан назорат остига олинмоғи зарур.

Ҳозирда Республикамизда 31 та турли хил мулкчилик шаклларидаги суғурта компаниялари фаолият олиб бормоқда (акциядорлик жамиятлари, маъсулияти чекланган жамиятлари, хусусий ва бошқа шаклларда).

Акциядорлик шаклидаги суғурта ташкилотларининг фаолияти “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонун билан бир қаторда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ҳуқуқий тартибга солинади. Акциядорлик суғурта ташкилотлари ёпиқ ва очик турда ташкил этилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорида бошқа мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари билан бир қаторда акциядорлик суғурта ташкилотлари ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда. Улар жумласига очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган “Ўзагросуғурта” ва “Кафолат” давлат акциядорлик суғурта компанияларини, “Мадад” суғурта агентлигини, “Капитал суғурта” очик акциядорлик жамиятларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган суғурта ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларидан бири – улар акцияларининг фонд бозорида эркин савдога қўйилишидир. Ҳозирги кунда ушбу суғурта ташкилотлари томонидан сотувга чиқарилган акциялар тўлиқ инвесторлар ўртасида жойлаштирилган бўлсада, улар иккиламчи қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди объектига айлангани йўқ.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, акциядорлик шаклидаги жамиятларнинг, шу жумладан суғурта ташкилотларнинг олий бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши махсус ваколатига қуйидагилар киради:

- Суғурта ташкилоти низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Суғурта ташкилотини қайта ташкил этиш;
- Суғурта ташкилотини тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний балансини тасдиқлаш
- Суғурта ташкилоти кузатув кенгашининг таркиби сонини аниқлаш, унинг аъзолари ва раисини сайлаш;
- Ўзлон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Суғурта ташкилотининг устав капиталини кўпайтириш;
- Суғурта ташкилотининг аудиторини тасдиқлаш.

Шуниси диққатга сазоворки, акциядорларнинг умумий йиғилиши бир йилда камида бир марта чақирилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши унда қатнашаётган акциядорлар ёки уларнинг вакилларининг камида 60% овозиги эга бўлса, ваколатли деб ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари кузатув кенгаши акциядорлар орасидан сайланиб, улар умумий йиғилиши оралиғида акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя этади.

Суғурта ташкилотлари кузатув кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Суғурта ташкилотининг устувор йўналишларини белгилайди;
- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини белгилайди;
- Облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш;
- Суғурта ташкилоти филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил этади ва тугатади.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда бошқа мулкый манфаатларини ўзаро асосда, бунинг учун **ўзаро суғурта қилиш жамиятлари**да зарур маблағларни бирлаштириш йўли билан суғурта қилишлари мумкин.

Ўзаро суғурта қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкый манфаатларини суғурта қилишни амалга

оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

Ўзаро суғурта қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкый манфаатларини суғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда суғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Суғурта ташкилотларининг қандай мулкый шакллари мавжуд?
2. Суғурта қонунчилиги ва унинг таркибига кирувчи қандай асосий қонунчилик ҳужжатларини биласиз?
3. Суғурта ташкилотларининг устав капитали.
4. Акциядорлик суғурта ташкилотларининг Низоми.

Талабанинг мустақил иш топшириқлари:

1. Суғурта ташкилотларининг мулкый шаклларини ўрганиб чиқиш.
2. Суғурта соҳасида давлат монополиясининг тугатилиши.
3. Турли мулкчиликка асосланган суғурта ташкилотларини фаолият кўрсатиши.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзаро суғурта қилиш жамияти.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни
4. Абдуллаев Й. Суғурта.(Маърузалар курси). Самарқанд. 2003. – 138 бет
5. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. СПб.: Питер, 2002. -256 с
6. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
7. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
8. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
9. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет.
10. Основы страховой деятельности. Учебник. / Отв.ред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с

11. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2001.- 311 с.
12. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
13. Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.bir.uz
www.straxovka.ru

3-мавзу. Суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва суғурта назорти

Асосий саволлар:

1. Суғурта ташкилотларининг юридик мақом олиши.
2. Суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва уларни ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиши.
3. Суғурта ташкилотини таъсис этганлик ҳақидаги хужжатлар.
4. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
5. Давлат суғурта назоратининг функция ва вазифалари.

Таянч сўз ва иборалар:

Суғурта заҳиралари – бу суғурталовчининг балансида активлар ва мажбуриятлар кўринишида ҳисобга олинadиган, суғурталанувчи томонидан тўлаган суғурта мукофотларидан шаклланган маблағлар.

Суғурта жамғармалари – бу даромаднинг бир қисми бўлиб, йирик зарарларни ва суғурта товонини тўлаш учун шаклландиган маблағ.

Суғурта ҳимояси – кўзда тутилмаган офатлар ҳимоя қилишни талаб қилади. Бу моддий жиҳатдан суғурта фондидир.

Суғурта мукофоти – суғурталанувчининг суғурталовчи ташкилотга тўлайдиган суммаси.

Суғурта жавобгарлиги – суғурталанувчи ва суғурталовчининг шартномада ва қонунда кўзда тутилган жавобгарлиги ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифаларидир.

Дарс мақсади: Талабаларга суғурта ташкилотларининг юридик мақом олиши, суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва уларни ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиши, суғурта ташкилотини таъсис этганлик ҳақидаги хужжатлар, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, давлат суғурта назоратининг функция ва вазифалари тўғрисида тушунчалар бериш. Бу эса идентив ўқув мақсадлари доирасида талабаларда илмий-амалий кўникма ҳосил қилишида муҳим роль ўйнайди, яъни талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавзунинг саволларини ёритиб бера олади.

Таянч маъруза матни.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ (1-илова Низом) суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартиби белгиланган. Мазкур Низом "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабгорлари бўлишлари мумкин.

Суғурталовчи ва суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг амал қилиш муддати, қоидага кўра, чекланмайди. Лицензиянинг амал қилиши лицензия берилган кундан бошланади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш;
- суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган ахборотларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ махфийлигини таъминлаш;
- лицензияловчи орган талабига кўра суғурта фаолиятини амалга оширишга доир қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотларни тақдим этиш;
- лицензия талабгори раҳбари олий маълумотга ҳамда суғурта соҳасида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши керак;
- лицензия талабгори (лицензиат) раҳбари бошқа суғурта ташкилотларида раҳбар лавозимини эгаллашга ҳақли эмас.

Лицензия талаблари ва шартларига қўшимча равишда қуйидагилар белгиланган:

а) суғурталовчилар учун:

- устав фондининг қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдорининг мавжуд бўлиши;

б) суғурта брокерлари учун:

- суғурта брокерининг суғурта фаолиятини амалга оширишда шартнома мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш;
- суғурта шартномасининг лицензиат мижози учун қулай шартларда тузилиши ва бажарилиши;

- суғурталашга доир воситачилик фаолиятини асосий фаолият тури сифатида амалга ошириш.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) суғурталовчилар учун:

- юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- раҳбар тўғрисидаги маълумотлар (олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси ва меҳнат дафтарчасидан кўчирма);
- лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- устав фондининг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар);
- суғурта фаолиятининг иқтисодий асосланиши, унга суғурталаш операцияларини ривожлантириш прогнозини, эҳтимол тутилган қайта суғурталаш битишувлари режасини, суғурта захираларининг ҳисоб-китоб режасини ўз ичига олувчи лицензияланаётган суғурта класс бўйича бизнес-режа киради;
- суғурталашнинг лицензия талаб қилинадиган турлари бўйича қоидалар (шартлар), лицензияда қуйидагилар бўлади: суғурталаш субъектлари доирасини белгилаш ва суғурта шартномаси тузиш бўйича чеклашлар, суғурта объектларини белгилаш, суғурта ходисалари рўйхатини белгилаш - ушбу ҳолатлар рўй берганда суғурталовчининг суғурта тўловлари бўйича мажбуриятлари пайдо бўлади, (асосий ва қўшимча шартлар), олиб қўйиш (таваккалчиларнинг ёки мол-мулкларни) бунда суғурталовчи мажбуриятларни бажармасдан озод бўлади, суғурта мукофотлари тарифлари (ставкалари), суғурталашнинг энг кўп (энг кам) муддати, суғурта шартномаларини тузиш ва суғурта муокофтларини тўлаш тартиби, томонларнинг суғурта шартномаси бўйича ўзаро мажбуриятлари ва суғурта шартномалари бўйича тўловни рад этишнинг мумкин бўлган ҳолатлари суғурта шартномаси бўйича эътирозларни кўриб чиқиш тартиби.

Қоидаларга суғурта шартномалари намуналари илова қилиниши керак.

Лицензия талабгори раҳбари томонидан тасдиқланган суғурталаш қоидалари (шартлари) икки нусхада тақдим этилади, уларнинг бетлари тикилган ва рақамланган бўлиши керак.

Фаолият тури фақат қайта суғурта қилишдан иборат бўлган **лицензия талабгорлари мазкур бандда кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни тақдим этадилар**, суғурталаш қоидалари (шартлари)га оид хат боши бундан мустасно.

б) суғурта брокерлари учун:

- юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами, юридик шахс амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури (унинг бир қисми) ҳамда кўрсатиб ўтилган фаолият тури амалга ошириладиган муддат кўрсатилган лицензия бериш тўғрисида ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- лицензия талабгори томонидан лицензия талабгорининг аризаси лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- устав капитали тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (банк маълумотномаси, мол-мулкни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва бошқа ҳужжатлар).

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бир нусхада тақдим этилади. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади. Ҳужжатлар лицензияловчи орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади). Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш. Лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш Низомнинг 2-иловага мувофиқ схемага биноан амалга оширилади. Лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгоридан барча зарур ҳужжатлар билан ариза олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади. Лицензиялар бериш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун лицензияловчи органда эксперт

комиссияси ташкил этилади. Эксперт комиссияси таркиби ва комиссия тўғрисидаги низом лицензияловчи орган томонидан тасдиқланади. Эксперт комиссияси мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади. Мажлисларнинг сўров йўли билан ўтказилишига ва расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди. Лицензия талабгорининг барча зарур ҳужжатлар билан аризаси улар қабул қилиб олинган кунда эксперт комиссияга кўриб чиқиш учун киритилади. Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни йигирма кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар бўйича лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди. Лицензияловчи орган уч кун муддатда эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади. Лицензия беришга қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади). Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бир вақтда лицензия битими имзолаш учун юборилади.

Лицензияловчи орган билан **лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини** белгиловчи лицензия битимида қуйидагилар бўлиши керак:

- битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;
- томонларнинг реквизитлари;
- амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури;
- лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
- лицензиянинг амал қилиш муддати;
- лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;
- лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада - лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятига лицензиялар белгиланган шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкаси намуналари лицензияловчи орган томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади.

Лицензиялар лицензия талабгори давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан ҳамда у лицензия битимини имзолагандан кейин лицензияловчи орган томонидан икки кун муддатда расмийлаштирилади.

Лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади.

Лицензиянинг асл нусхаси лицензиатга берилади, лицензия нусхаси белгиланган тартибда лицензияловчи органда сақланади.

Лицензияни ёки лицензия бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат бож тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Лицензия бериш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин. Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади. Бунда такроран тақдим этилган ҳужжатлар улар қабул қилинган кунда кўриб чиқиш учун эксперт комиссиясига киритилади. Эксперт комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни олти кундан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқади ва улар юзасидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида эксперт хулосаси тайёрлайди. Лицензияловчи орган эксперт комиссияси хулосаси асосида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида уч кун муддатда қарор қабул қилади. Аризалар такроран кўриб чиқилганлиги учун лицензия талабгорларидан йиғим ундирилмайди. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

Лицензияловчи орган лицензиялар реестрини юритади. Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;
- лицензияларнинг берилган санаси ва тартиб рақами;
- лицензияларнинг амал қилиш муддати;

- лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;
- лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;
- лицензияларни бекор қилишнинг асослари ва санаси;
- дубликат беришнинг асослари ва санаси.

Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очиқ ҳисобланади, улар лицензияловчи органдан ҳақ тўлаган ҳолда аниқ лицензиатлар ҳақида лицензиялар реестридан кўчирма сифатида маълумот олиш ҳуқуқига эга. Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади. Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятига лицензия берилганлиги ва унинг амал қилиш муддати узайтирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга ҳақли эмас. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади. Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат йўқотиб қўйилган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши, шунингдек эълонни лицензияловчи органга

тақдим этиши шарт. Лицензия дубликатлари беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;
- лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;
- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;
- текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;
- лицензиатга аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;
- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқариш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолиятни лицензиясиз амалга оширишнинг аниқланган ҳоллари тўғрисидаги материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатишга асос бўлган лицензия талаблари ва шартларининг бир марта қўпол равишда бузилишига қуйидагилар киради:

а) суғурталовчилар учун:

- лицензиат учун қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа фаолият турларини амалга ошириш;
- суғурта фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни суғурта қилдирувчининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

б) суғурта брокерлари учун:

- мижоз учун манфаатли эмаслиги олдиндан маълум бўлган суғурта шартномасини тузиш ва бажариш;
- суғуртага доир воситачилик фаолиятини амалга оширишда олинган махфий ахборотни суғурта қилдирувчининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензияловчи орган қарорининг асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган унинг олдида лицензиат кўрган зарари миқдорида жавоб беради.

Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда махсус ваколатли давлат органи берадиган лицензиялар асосида амалга оширилади.

Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, умумий суғурта соҳасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган айрим турлари (класслари) бундан мустаснодир. Умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошираётган суғурталовчи ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суғурталовчи амалга оширишни назарда тутаётган суғурта турлари (класслари) кўрсатилади.

Суғурталовчининг лицензияси амал қилишининг тўхтатиб турилиши унинг янги суғурта шартномалари тузиши тақиқланишига, шу жумладан амалдаги суғурта шартномалари узайтирилишининг тақиқланишига сабаб бўлади. Бунда суғурталовчи илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини белгиланган тартибда бажаришга мажбурдир.

Лицензиянинг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан беш кун ичида махсус ваколатли давлат органи суғурталовчини тугатиш тўғрисидаги ариза билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат этиши шарт.

Суғурталовчининг илгари амал қилган бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатиб турилади ва махсус

ваколатли давлат органи томонидан тайинлаган суғурталовчининг муваққат маъмуриятига ўтади. Муваққат маъмурият суд қарор чиқаргунга қадар бўлган даврда ўз фаолиятини амалга оширади.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ҳисоботи махсус ваколатли давлат органига ҳамда суғурталовчини тугатиш тўғрисида махсус ваколатли давлат органининг аризаси йўлланган судга тақдим этилади.

Суғурталовчининг муваққат маъмурияти ўз фаолияти даврида харажат операцияларини амалга оширишга ҳақли эмас, суғурталовчининг бошқарув харажатлари (маъмурий харажатлари), суғурталовчига тушаётган пулларни ҳисобга ёзиш ва илгари тузилган суғурта шартномалари бўйича суғурта ходисалари юз берганда суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустаснодир.

Суғурталовчи муваққат маъмуриятининг ишлаш тартиби махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади. Қоидага кўра суғурталовчининг аризасига биноан лицензия бекор қилинган ҳолларга, шунингдек унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган суғурталовчининг бошқарув органи қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилишига тааллуқли эмас.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар қандай тижорат фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёж сезади. Шунинг баробарида суғурта компанияларининг ҳам ривожланган бозор инфратузилмалари таркибидан жой олишига давлат томонидан тартибга солиниши муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта фаолиятининг давлат бошқаруви **бевосита** ва **билвосита** усуллардан иборат.

Бевосита усулларга маъмурий усуллардан ташқари қуйидаги иқтисодий, ҳуқуқий ва мафкуравий институтлар соҳаларидаги ташкилий ва бошқарув чора-тадбирларини киритиш мумкин;

- суғурта фаолиятида қонунчилик базасидан фойдаланиш;
- давлат суғурта компаниялари хусусийлаштириш ва акциядорлик суғурта компанияларида давлат улушини бошқаришда тадбирлар тизими;

давлат иштирокидаги янги суғурта компанияларини ташкил қилиш;

махсус захира фондларини ва қайта суғурталаш фондларини ташкил этиш,

давлат суғурта компанияларини бевосита молиялаштиришни ўз ичига олган, суғурта операцияларини қўллаб қувватловчи молия тизими;

- ахборот жиҳатдан қўллаб – қувватлаш тизими аҳоли ва хўжалик субъектларининг тегишли маданиятини ошириш учун

суғурталанувчилар брендларини ривожлантиришга йўналтирилган рейтинг агентликларини давлат ресурслари базасида ташкил этиш. Суғурта операциялари ахборот базасини ривожлантириш;

- мажбурий давлат суғурта тизими;
- суғурталовчилар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш тизими;
- суғурта фаолиятини инновацион қўллаб – қувватлаш тизими: илмий изланиш ишлари (ИИШ)ни молиялаштириш, суғурта ишини ахборотлаштириш ва автоматлаштириш ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасидаги замонавий технологияларни қўллаш;
- суғурталанувчилар, агентлик, брокерлик тармоқлари, актуарийлар ва суғурта фаолиятининг бошқа субъектлари учун бюджет транзакциялари ва солиқ имтиёзлари;
- суғурта таълим тизими;
- давлат консалтинги (маслаҳати).

Бошқарувнинг билвосита усулларида суғурта фаолияти ва соҳасини бошқаришга унинг бошқа субъектлари орқали таъсир кўрсатувчи усуллари киритиши мумкин:

- суғурта компанияларининг инвестицион фаоллигини таъминловчи бозорларнинг аниқ ишида ҳамда аҳоли ва корхоналар даромадларининг ошишида ўз аксини топувчи иқтисодий самарадорлигини юксалтириш умумий чора – тадбирлари;
- суғуртачиларнинг инвестицион ва инновацион фаоллигини қўллаб – қувватловчи солиққа тортиш, кредитлаш тартиблари;
- суғурталанувчи ва суғурталовчиларнинг халқаро ҳамкорлигидаги рискларни минималлаштиришни ҳамда мамлакат суғурта соҳасида хорижий инвесторларнинг иштирокини қўллаб – қувватловчи ташқи иқтисодий фаолият тартиблари.

Келтирилган усуллар бўйича ҳозирда давлатимизда бир талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда: суғурта фаолиятига кадрлар етказиб бериш борасида олий ўқув юртларидан билимли ёш мутахассислар тайёрланмоқда, мажбурий суғурта турлари амалиётга кенг жорий қилинмоқда, суғурта ишини ахборотлаштириш ва автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, суғурта фаолиятининг қонунчилик базаси такомиллаштирилмоқда, аҳоли ва хўжалик субъектларининг суғурта маданиятини ошириш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Албатта бундай амалий ишлар мамлакатимиз суғурта бозорининг юксак даражада тараққий этишига ўзининг кўмагини беради.

Суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган махсус ваколатли давлат органи амалга оширади. Махсус ваколатли давлат органи:

- ижро этилиши мажбурий бўлган тўловга қобилиятлилик нормативларини ҳамда уларни аниқлаш тартибини, айрим таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп ёки энг кам миқдорини ва мажбуриятлар жамининг йўл қўйиладиган кўп ёки энг кам миқдорини ҳисоблаб чиқариш услубини, суғурталовчиларнинг тўловга қобилиятини акс эттирувчи ахборотларни тақдим этиш тартиби ва муддатларини белгилайди;
- суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишини, тўловга қобилиятлиликнинг белгиланган нормативлари ва молиявий барқарорликнинг бошқа талаблари бажарилишини назорат қилади;
- суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялайди;
- суғурталовчилар томонидан ҳисоб-китобни юритиш, суғурта захираларининг маблағларини шакллантириш ва жойлаштиришга оид ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди;
- суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилайди;
- суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг шакли, тартиби ва муддатларини белгилайди;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини текширади ва уларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритади;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суғурталовчилар ва суғурта брокерлари лицензияларининг амал қилишини тўлиқ ёки айрим суғурта турларига (классларига) нисбатан тўхтатиб қўяди, шунингдек уларнинг амал қилишини тугатади;
- ҳар бир молия йили тугаганидан кейин олти ой ичида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва уни назорат қилиш борасидаги фаолият тўғрисида йиллик ҳисоботларни, шунингдек суғурта бозорининг молия йили мобайнидаги фаолияти тўғрисида статистика маълумотларини эълон қилади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Махсус ваколатли давлат органи ва унинг ходимлари суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг устав фондида ва бошқарув органларида иштирок этишга, шунингдек суғурта воситачиси сифатида иш юритишга ҳақли эмаслар.

Давлат суғурта назорати инспекциясининг асосий **вазифалари** куйидагилар хисобланади:

- суғурталовчиларнинг ягона давлатреестрини киритиш;
- суғурталаш ташкилотларининг суғурталаш тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилишлари назорати;
- суғурталаш тўғрисидаги қонунни мукаммаллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш;
- бухгалтерия хисоботи ва хисобини бир хиллигини таъминлаш.

Унга юклатилган вазифаларга мувофиқ давлат инспекцияси куйидаги **функцияларни** бажаради:

- суғурталовчиларнинг Ўзбекистон Республикаси “Суғурталаш фаолиятини давлат томонидан тартиблаштириш бўйича чоралар тўғрисида” ги қонунга риоя қилишларини, хисоботнинг, шунингдек, улар учун белгиланган тўловга қобилиятлилиқ ва молиявий барқарорликнинг бошқа кўрсаткичларининг таъминланишини текшириш;
- суғурталовчини услубий ишининг таъминотини амалга ошириш;
- суғурталаш қоидалари бўйича таклифларни тайёрлаш;
- мажбурий суғурталаш турлари бўйича таъриф ставкаларини ўрнатиш;
- суғурталаш ташкилотининг ёпилиши вақтида суғурталанувчиларнинг манфаатларини ҳимояси;
- республикада суғурталаш фаолиятини ривожланиш ахволи ва тенденцияларининг таҳлили;
- ОАВ орқали суғурталаш фаолиятининг саволлари бўйича ахборот тушунтириш ишларини олиб бориш.

Бу борада давлат инструкцияси куйидаги **ҳуқуқга** эга:

- суғурталовчилардан суғурталаш фаолияти тўғрисидаги хисоботни ва уларнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни, шунингдек, корхоналардан, ташкилотлардан, муассасалардан, банклардан, фуқаролардан уларга юклатилган функцияни бажариш учун зарур бўлган маълумотни олиш;
- суғурталовчиларнинг фаолиятларини уларнинг суғурталаш тўғрисидаги қонунга риоя қилишларини назорат қилиш мақсадида амалга ошириш.

Биз мамлакатимизда суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солишни ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари ҳақида ўйлар эканмиз, яқин қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия Федерациясида бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида биров тўхталиб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмайди.

Бугунги кунда Россия Федерациясида 1500 дан ортиқ суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда ва уларнинг аксарияти суғурта фаолиятини назорат қилувчи Федерал хизматнинг (ҳозирги пайтда

мазкур хизмат тўхталиб, суғурта фаолиятини назорат қилиш Россия Молия Вазирлигига юклатилган) лицензияларига эга. Суғурта фаолиятини назорат қилувчи бу ташкилот 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, у Россия суғурта бозорини тартибга келтириш бўйича етарли тажрибага эга бўлди, ўнлаб меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Улардан энг муҳимлари “Россия ҳудудида фаолият кўрсатувчи суғурта ташкилотларига лицензиялар бериш”, “Суғурта захираларини жойлаштириш тартиби” ва ҳ.к.

Мазкур ташкилот ўзини қаттиқ қўллиги ва бошқа ҳаракатлари туфайли Россия ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта нуфузга эгадир. Энг асосийси, суғурта назорат хизмати ҳар йили Россия ҳудудида фаолият кўрсатаётган суғурта компанияларининг етарли даражада кучлиларини рейтинг асосида аниқлаб, кенг ҳалқ оммасига маълум қилиб боради. Ўзбекистон Республикасини “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонунига мувофиқ, суғурта ташкилотлари суғурталанувчи олдидаги мажбуриятини бажара олмай қолганда, давлат суғурта назорати хизмати мижозларнинг манфаатини кўзда тутадиган чоралар кўриши керак. Бозорда кўплаб суғурта ташкилотлари фаолият кўрсатади. Табиийки, бу ҳолат патенциал мижозларни жалб қилиш учун улар ўртасидаги рақобатни ҳам кучайишига олиб келади. Натижада, рақобатга бардош бера олмаган баъзи суғурта компаниялари «суғурта майдонидан» чиқиб кетади. Бунга жаҳон тажрибасидан ҳам мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, 1993 йил бошида АҚШ да с Қизиғи шундаки бу компаниялар ичида молиявий жихатдан ишончли бўлган (Экзекъютив Лайф Иншуэранс) компанияси ҳам бор эди. Мутахассислар томонидан унинг активи бир неча миллиард АҚШ долларига баҳоланган. Бу ерда шундай ўринли савол туғилиши мумкин. Хўш, Халқаро суғурта бозорида кузатилган юқоридагидек ҳолат рўй бермаслиги учун давлат қандай чора тадбирлар кўриши мумкин?

Биринчидан ҳукумат ўзининг тегишли назорат органи орқали суғурта компаниялари томонидан «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини қатъий бажарилишини, шу жумладан, суғурта захираларини тўғри жойланишини назорат қилиб бориш муҳимдир.

Иккинчидан энди шаклланаётган Ўзбекистон суғурта бозорига молиявий жихатдан мустаҳкам хорижий суғурта компанияларининг кириб келишини тартибга солиш керак. Негаки, бу ҳолат маҳаллий суғурта компанияларининг рақобат бардошлигига салбий таъсир кўрсатиб, уларни банкрот бўлишига олиб келиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Суғурта ташкилотларининг юридик мақом олиши.

2. Суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва уларни ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиши.
3. Суғурта ташкилотини таъсис этганлик ҳақидаги хужжатлар.
4. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
5. Давлат суғурта назоратининг функция ва вазифалари.

Талабанинг мустақил иш топшириқлари:

1. Суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар ва уларни ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиши.
2. Суғурта ташкилотини таъсис этганлик ҳақидаги хужжатлар.
3. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усулларини ўрганиш.
4. Давлат суғурта назоратининг функция ва вазифаларини ўрганиб келиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
3. Абдуллаев Й. Суғурта.(Маърузалар курси). Самарканд. 2003. – 138 бет
4. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. СПб.: Питер, 2002. -256 с
5. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
6. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
7. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
8. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет.
9. Основы страховой деятельности. Учебник. / Отв.ред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
10. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2001.- 311 с.
11. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
12. Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.bir.uz
www.straxovka.ru

**4-мавзу. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича шартномаларни
тузиш
ва уни бажариш
Асосий саволлар:**

1. Мажбурий суғурта ва унинг қонуний кучга эга эканлиги.
2. Мажбурий суғуртанинг турлари ва уларда суғурта тарифи ставкаси.
3. Ихтиёрий суғурта: турлари, шартномаларни тузиш.
4. Суғурта шартномасида: мажбурий кўрсатилиши зарур бўлган реквизитлар, муҳим ва муҳим бўлмаган шартлари, шартномани бекор этилиши, ҳуқуқий кучга эга эмаслик ҳолатлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Суғурта захиралари – бу суғурталовчининг балансида активлар ва мажбуриятлар кўринишида ҳисобга олинadиган, суғурталанувчи томонидан тўлаган суғурта мукофотларидан шаклланган маблағлар.

Суғурта жамғармалари – бу даромаднинг бир қисми бўлиб, йирик зарарларни ва суғурта товонини тўлаш учун шаклланадиган маблағ.

Суғурта ҳимояси – кўзда тутилмаган офатлар ҳимоя қилишни талаб қилади. Бу моддий жиҳатдан суғурта фондидир.

Суғурта мукофоти – суғурталанувчининг суғурталовчи ташкилотга тўлайдиган суммаси.

Суғурта жавобгарлиги – суғурталанувчи ва суғурталовчининг шартномада ва қонунда кўзда тутилган жавобгарлиги ўз зиммасига олган мажбуриятлари ва вазифаларидир.

Дарс мақсади: Талабаларга мажбурий суғурта ҳақида тушунча ва уни ўтказишдаги асосий шартлар, ҳуқуқий асослари, мажбурий суғуртанинг айрим турлари ва уларга тавсиф тўғрисида тушунчалар бериш. Бу эса идентив ўқув мақсадлари доирасида талабаларда илмий-амалий кўникма ҳосил қилишида муҳим роль ўйнайди, яъни талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мажбурий суғурта ҳақида тушунча ва уни ўтказишдаги асосий шартлари бўйича кўникма ҳосил қилади, мажбурий суғуртанинг айрим турларини санаб бера олади.

Таянч маъруза матни.

Ҳозирги кунда суғурта бозорини ривожлантиришда суғурта хизматлари турларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинчун мамнуният билан айтиш лозимки, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган 33 та суғурта компаниялари ҳозирда юздан ортиқ суғурта хизматлари турларини мижозларга тақдим этиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 52-боби 914-моддасида суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турлари ҳақида фикрлар билдирилган. Унга мувофиқ “Суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади...Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт. Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин” – дея таъкидлаб ўтилган.

Жаҳон амалиёти шунинчун кўрсатадики, бюджетнинг харажатлар қисмига тушадиган оғирликни суғуртадек оптимал даражада ҳал этадиган механизм мавжуд эмас. Суғурта миллий иқтисодиёт ривожланишини таъминловчи омил сифатида катта аҳамиятга эгадир. Суғурта орқали жамиятда содир бўладиган нохуш ва кўнгилсиз воқеалар натижасида юзага келадиган зарарларни қоплаш мумкин. Бу орқали эса иқтисодиёт субъектларининг молиявий жиҳатдан барқарор фаолият юритишлари таъминланади. Айрим фуқаролар ҳаётида бахтсиз ҳодисалар рўй берганда эса суғурта уларга моддий кўмак берувчи берувчи муҳим молиявий дастак бўлиб ҳисобланади. Суғурта ташкилотлари юридик ва жисмоний шахслар зарарларини қоплаб бериш орқали давлатнинг пул маблағларини тежайдилар. Суғурта ҳодисалари ва улар келтирадиган молиявий зарарлар олдини олиш мақсадида суғурталарнинг айрим турлари мажбурий шаклда амалга оширилади.суғурта турларининг бундай шаклда амалга оширилишида давлат жабрланувчи (суғурталанган) ларнинг кўрган зарарларини қоплаб берилиши ва мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишини кафолатлайди. Бу давлатнинг ҳамда суғуртанинг ижтимоӣ – иқтисодий функцияларидан келиб чиқади.

Мажбурий суғурта турларини ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилик базаси, суғурта хизматлари бозорининг ривожланиш даражаси ва бошқа қатор ижтимоӣ, иқтисодий омиллардан келиб чиқиб жорий қилади. Бозор иқтисодиёти шароитида мажбурий суғурта турларининг ўрни муқаррар сақланиб қолади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Президентимиз И.А.Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоӣ – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида қуйидагиларга эътибор берилганди: “Айни пайтда суғурталашнинг умумий ҳажмида мажбурий суғурталашнинг турли шакллари улуши ниҳоятда паст бўлиб, 6%дан ҳам ортмайди. Бунинг сабаби халқаро амалиёт талабларига мос бўлган мажбурий суғурталашнинг айрим турлари бизда жорий этилмагани билан изоҳланади”.

Халқаро амалиёт талабларига мос келадиган мажбурий суғурта турларини жорий этиш орқали, хусусан транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталашда йўл ҳаракати иштирокчиларининг мулкӣ манфаатлари ҳимояланади. Мажбурий суғурта турларининг кенг қамровли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ўз ўрнида суғуртанинг ривожланишига ва кенг омма орасида тарқалишига кенг имконият яратади.

Умуман олганда, миллий суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш учун биринчи навбатда суғурталашни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқӣ базани такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича бир қатор чора – тадбирларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, жаҳон стандартларига мос келадиган меъёрий – ҳуқуқӣ қонунчилик базасини такомиллаштириш;

Иккинчидан, суғурта хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш;

Учинчидан, солиққа тортиш механизмларини соддалаштириш;

Тўртинчидан, мажбурий суғурталашнинг қонунчилик асосларининг такомиллаштириш ва шунингдек, уларнинг устувор турларини аниқлаш.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш; бюджетнинг ижтимоӣ харажатлар қисмига тушадиган оғирликни енгиллаштириш; суғурта ташкилотлари маблағларини ижтимоӣ – иқтисодӣ ҳимоя билан боғлиқ масалаларга йўналтириш; юқоридаги чора – тадбирларни қўллаш орқали бўшаган пул маблағларини соғлиқни сақлаш, инфратузилмани ривожлантириш, шунингдек, суғурта ташкилотларининг молиявий баркамоллигини ошириш каби йўналишларга сарфлаш даражада фойдаланиши мумкин”. Айтиш керакки, мажбурий суғурталаш юртимиз молия бозорини жонлантириш баробарида аҳолининг ижтимоӣ муҳофазасини янада мустаҳкамлашда ҳамда катта рол ўйнайди. Шу боис ишонч билан айта оламизки, мамлакатимизнинг ижтимоӣ -иқтисодӣ ривожланишида суғурта амалиётлари, хусусан мажбурий суғуртанинг аҳамияти катта.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкни ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар

ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади(Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 52-боб).

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

Суғурта қилиш мажбурияти қуйидагиларда белгилаб қўйилиши мумкин:

- қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;
- бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун билан унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади(Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ 872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида 2010 йил 1 январидан бошлаб мажбурий суғурта фаолияти олиб боровчи суғурталовчилар устав капиталининг энг кам миқдори 1500 минг еврога эквивалент суммада белгиланган).

Мажбурий суғурта бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи билан суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади.

Мажбурий суғурта суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни мажбурий суғурталаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Мажбурий суғурталаниши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқароларнинг ижтимоий манфаатларини ва давлатнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида қонунда ҳаёт, соғлиқ ва мол-мулкнинг мажбурий давлат суғуртаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Мажбурий давлат суғуртаси ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Мажбурий давлат суғуртаси бевосита суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида унда кўрсатилган давлат суғурта ташкилотлари ёки давлатнинг бошқа ташкилотлари (суғурталовчилар) томонидан амалга оширилади.

Суғуртанинг мажбурий турлари ҳақида сўз борганда кўпчилик суғурталовчилар одатда уларнинг жорий этилишини катта иштиёқ билан қабул қиладилар, чунки бу ҳар доим мижозларнинг кўпайишини кафолатлайди, уларни кўндириш ҳам керак бўлмайди, барқарор даромад келтиради. Бироқ иш берувчининг жавобгарлигини мажбурий суғурталашни суғурта компаниялари вакиллари ортиқча ҳиссиётга берилмадилар. Бироқ бўлғуси суғурталанувчилар – корхона раҳбарлари ҳақиқатдан ҳам хурсанд бўлмадилар, истикболда меҳнатга ҳақ тўлаш фондига алоқадор харажатларнинг яна бир моддаси кўшиладиган бўлди.

Одатда мажбурий суғурта зарарни қоплаш масаласида умумдават аҳамиятини касб этиб, ижтимоий манфаатлар нуқтаи назардан устувор бўлган суғурта объектлари – фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий манфаатлари, шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва давлатнинг манфаатларига нисбатан қўлланилади. Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури республикада мажбурий суғуртанинг учта янги турини жорий этишни назарда тутди: барча фуқаролар учун тиббий суғурта, маъмуриятнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш (МФЖМС) (уни ҳам нисбатан “янги” тур деб ҳисоблаш мумкин, чунки ҳозиргача у бизда тўлақонли ишламаган) ва иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш.

Ўзбекистонда бугунги кунда мажбурий суғуртанинг қуйидаги турлари амал қилапти:

Т/р	Суғурта турлари	Асос
1	Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларини мажбурий шахсий суғурталаш	1993 йил 7 майдаги 866-ХII-сон “Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобил транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида” ги Қонун
2	Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ҳамда механизмлар эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш	Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасидаги транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машиналар ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси тўғрисида” 632-сон қарори

3	Республикага кириб келаётган автотранспорт воситалари чет эллик хайдовчиларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш	Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январдаги “Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона худудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида” 11-сон қарори
4	Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геологик – кидирув ишлари тизимлари ходимларининг мажбурий давлат шахсий суғуртаси	Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 июлидаги “Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология – разведка ишлари тизими ходимларининг мажбурий давлат шахсий суғуртаси тўғрисида” 365-сон қарори
5	Давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига объектлар барпо этилаётганда қурилиш хатларини мажбурий суғурталаш	Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурталаш тўғрисида” 532 – сон қарори
6	Ҳарбий хизматлар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий суғуртаси	Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида” 38-сон қарори
7	Солиқ органлари ходимларининг давлат мажбурий шахсий суғуртаси	Солиқ органлари ходимларининг давлат мажбурий шахсий суғуртасини амалга ошириш тартиби тўғрисида қоидалар (АВ томонидан 1995 йил 27 февральда 126 – сон билан рўйхатдан ўтказилган)

Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти **йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртасида** давлат суғурта органлари билан ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари ўртасидаги суғурта воқеаси бошланиши биланоқ ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий суғуртасига (бундан буён «йўловчиларни суғурталашга») доир муносабатларни тартибга солиди (Ўз.Р. 1993 йил 7 май 866-XII-сон Қонуни).

Ушбу суғуртанинг мақсади йўловчиларнинг суғурта ҳимоясини таъминлаш ҳамда мажбурий суғурта шартларини яхшилашдан иборатдир.

Сафар (парвоз) вақтида ёки тайёрагоҳ, шоҳбекат, бекат, бандаргоҳда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғуртасидан ўтказилиши керак бўлган ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари муқаррар тарзда суғурталанадилар.

Қуйидагилар:

- шаҳар атрофига қатновчи темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчилари;
- шаҳар ичида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари;
- бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси доирасида қатновчи автомобиль транспорти йўловчилари учун 50 километр масофагача мажбурий суғурта қўлланилмайди.

Суғурталаш объекти йўловчиларнинг саломатлиги ва ҳаётидир.

Суғурталанувчилар – умумий фойдаланишдаги тайёралар, поездлар, автобуслар, кемалар ва паромларда йўловчиларни ташувчи транспорт ташкилотларидан чипталарни сотиб олган жисмоний шахслар (йўловчилар).

Суғурталовчи – давлат суғурта ташкилоти.

Суғурта муддати давомида рўй берган ҳамда бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ҳужжат, даволаш-олдини олиш муассасасининг далолатномаси билан тасдиқланган шикастланиш, заҳарланиш ёки ҳалок бўлиш ҳоллари суғурта воқеаси ҳисобланади.

Суғурта тўлови чипта қийматига қўшилади ҳамда уни транспорт ташкилоти йўловчидан ундириб олади.

Суғурта пули ҳамда суғурта тарифини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспортида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланувчи йўловчилар амалдаги қонунларга мувофиқ суғурта пули тўламаган ҳолда мажбурий суғуртадан ўтказилиши шарт.

Йўловчилар чипта сотиб олиб, дастлабки жўнаш жойи (тайёрагоҳ, шоҳбекат, бекат, бандаргоҳ) ҳудудига борган пайтларидан бошлаб транспорт воситаси жадвал бўйича жўнашига кўпи билан бир соат қолгунга қадар суғурталанган ҳисобланадилар.

Суғурта муддати йўловчи борар манзилидаги тайёрагоҳ, шоҳбекат, бекат, бандаргоҳ ҳудудидан чиққанидан кейингина тугайди.

Ривожланаётган бозор муносабатлари шароитларида қурилиш пудрати шартномаси бўйича томонларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, суғурта ҳодисалари оқибатида пайдо бўладиган қурилиш таваккалчиликлари қопланишини ва зарарлар тўланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда **қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш** тўғрисида”ги Қарори (1999 йил 20 декабрь 532-

сон) қабул қилинган. Қарорда назарда тутилган таваккалчиликларни мажбурий суғурта қилиш бўйича чекланган тарифлар суғурта пулининг 0,4 фоизи миқдорида белгиланган. 2000 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклларида қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар — пудратчилар давлат бюджети маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига маблағ билан таъминланаётган объектларни қуриш учун пудрат шартномаларини тузишда Объектларни давлат маблағлари ва Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ таваккалчиликларни мажбурий суғурта қиладилар, қурилиш пудрати шартномалари бўйича маблағ билан таъминлаш фақат шартномалар суғурта полислари мавжуд бўлган тақдирда бошланади. Суғурта полиси суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган суғурта мукофоти тўлангандан кейин тақим этилади.

Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология-разведка ишлари тизими ходимларининг мажбурий давлат шахсий суғуртаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли Қарори(16.07.1994 й.)га мувофиқ амалга оширилади. Унга асосан 1994 йил 1 августидан бошлаб ишлаб чиқариш харажатларининг мана шу мақсадлар учун назарда тутилган моддалари ҳисобидан кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология-разведка ишлари тизими ходимларининг мажбурий давлат шахсий суғуртаси жорий қилинган.

Кўмир, нефть, газ қазиб олиш ва геология-разведка ишлари тизими ходимларининг мажбурий шахсий суғуртаси бўйича суғурта пули ишлаб чиқариш фаолиятини бажариш чоғида ҳалок бўлиш (вафот этиш) ҳодисаси юз берган тақдирда энг кам иш ҳақининг 36 баравари миқдорида белгиланган.

Суғурта қилинган шахсга бахтсиз ҳодиса муносабати билан ногиронлик белгиланганда:

I гуруҳ ногиронга-суғурта пулининг 50 фоизи;

II гуруҳ ногиронга-суғурта пулининг 30 фоизи;

III гуруҳ ногиронга-суғурта пулининг 20 фоизи тўланади.

Ногиронликка олиб келмаган бахтсиз ҳодиса оқибати "Суғурта ҳодисалари муносабати билан суғурта пуллари ва бир марталик нафақаларни белгилаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги услубий кўрсатмаларга асосан баҳоланади.

Бир йилда бир марта тўланадиган суғурта тўлови амалдаги энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида белгиланган.

Солик органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси республика бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Солик органлари ходимларининг мажбурий давлат суғуртаси бўйича суғурта суммаси тўлов кунда қонун ҳужжатларида

белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи микдорининг 80 бараварини ташкил этади.

Суғурта мукофоти Давлат солик кўмитаси (суғурта қилдирувчи) томонидан вакил қилинган суғурталовчига суғурта қилиниши керак бўлган суғурта қилдирувчининг ҳар бир ходимиға тўлаш пайтида амал қилган энг кам ойлик иш ҳақи микдорининг 20 фоизи микдорида тўланади.

"Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компанияси (вакил қилинган суғурталовчи) мазкур қарорда белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртасини амалга оширишни 2002 йил 31 декабрғача давом эттирди.

2003 йил 1 январдан бошлаб "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси белгиланган тартибда мажбурий давлат суғуртаси ўтказиб келмоқда.

Суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкӣ ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилади.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда қуйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

-қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулки уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкиға зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

-бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкиға зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар билан тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги ҳавфи.

Мулкӣ суғурта шартномасиға мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафға (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасиға тузилган бўлса, ўша шахсға (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади.

Мулкӣ суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

-муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши ҳавфи;

-фуқаролик жавобгарлиги ҳавфи - бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкиға зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича

жавобгарлик хавфи;

-тадбиркорлик хавфи - тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Суғурта шартномаси **ёзма шаклда** тузилиши лозим.

Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд - суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари кўлланишга ҳақли.

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулкий манфаат тўғрисида;

-юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурталанган шахс тўғрисида;

-суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (суғурта пули) суғурта қилдирувчининг суғурталовчи билан келишувига кўра белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта қийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига киради:

-мол-мулк учун - унинг суғурта шартномасини тузиш кунни турган жойидаги ҳақиқий қиймати;

-тадбиркорлик хавфи - суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида суғурта пулини тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади.

Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас, шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи бу қиймат борасида била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно.

Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда ўз-ўзидан ҳақиқий эмас:

-шартнома тузилаётган пайтда суғурта объекти мавжуд бўлмаса;

-жиноий йўл билан қўлга киритилган, жиноят нарсаси ҳисобланувчи ёки мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулк мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бўлса;

-шартнома бўйича ғайриҳуқуқий манфаат суғурталанган бўлса;

-суғурта шартномасида суғурта ҳодисаси сифатида юз бериш эҳтимоллиги ва тасодифийлик белгилари бўлмаган воқеа назарда

тутилган бўлса.

Суғурта шартномаси бошқа қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Зарар етказганлик учун жавобгарлик хавфини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчидан бошқа шахснинг жавобгарлиги суғурталанган ҳолларда, шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи бу шахсни суғурта ҳодисаси юз бергунча исталган вақтда, суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, бошқа шахсга алмаштиришга ҳақли.

Шахсий суғурта шартномасида кўрсатилган суғурталанган шахс суғурта қилдирувчи томонидан шу суғурталанган шахс ва суғурталовчининг розилиги билангина бошқа шахсга алмаштирилиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўрсатилган наф олувчини бошқа шахсга, бу ҳақда суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилиб, алмаштиришга ҳақли. Шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган шахснинг розилиги билан тайинланган наф олувчини алмаштиришга фақат шу шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Наф олувчи суғурта шартномаси бўйича биронта мажбуриятни бажарганидан ёки суғурта товонини ёхуд суғурта пулини тўлаш тўғрисида суғурталовчига талаб қўйганидан кейин у бошқа шахс билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Мол-мулкни суғурталаш шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу мол-мулкни мерос тартибида қабул қилиб олган шахсга ўтади. Мулк ҳуқуқи ўтишининг бошқа ҳолларида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар шартномада ёки қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

Шахсий суғурта шартномасини суғурталанган шахс фойдасига тузган суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда, ушбу шартнома билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар суғурталанган шахснинг розилиги билан унга ўтади. Суғурталанган шахс суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларини бажариши мумкин бўлмаса, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилувчи шахсларга ўтиши мумкин.

Суғурта шартномаси, агар унда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки биринчи бадал тўланган пайтда кучга киради.

Агар шартномада суғурта амал қилиши бошланишининг бошқача муддати назарда тутилмаган бўлса, шартномада шартлашилган суғурта суғурта шартномаси кучга кирганидан кейин юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан татбиқ этилади.

Суғурта шартномаси, агар у кучга кирганидан кейин суғурта ходисаси юз бериши эҳтимоли йўқолган ва суғурта хавфининг мавжуд бўлиши суғурта ходисасидан бошқа ҳолатлар бўйича тугаган бўлса, тузилган муддати келишидан олдин бекор бўлади. Қуйидагилар шундай ҳолатлар жумласига киради, чунончи:

- суғурталанган мол-мулкнинг юз берган суғурта ходисасидан бошқа сабабларга кўра нобуд бўлиши;

- тадбиркорлик хавфини ёки ана шу фаолият билан боғлиқ фуқаровий жавобгарлик хавфини суғурталаган шахснинг тадбиркорлик фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиши.

Суғурта шартномаси ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан олдин бекор бўлганда, суғурталовчи суғурта мукофотининг бир қисмини суғурта амал қилган вақтга мутаносиб равишда олиш ҳуқуқига эга.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи), агар воз кечиш пайтига келиб суғурта ходисанинг юз бериш эҳтимоли ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳолатлар бўйича йўқолмаган бўлса, суғурта шартномасини бажаришдан истаган пайтида воз кечишга ҳақли.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасидан муддатидан илгари воз кечган тақдирда, суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, қайтариб берилмайди.

Мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ходисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан кейин бу ҳақда дарҳол суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши шарт. Агар шартномада хабар қилиш муддати ва (ёки) усули назарда тутилган бўлса, бу шартлашилган муддатда ва шартномада кўрсатилган усулда қилиниши лозим. Агар наф олувчи ўзининг фойдасига тузилган шартнома бўйича суғурта товонига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш ниятида бўлса, айти шундай мажбурият наф олувчи зиммасида бўлади.

Ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги суғурталовчига, агар суғурталовчи суғурта ходисаси юз берганини ўз вақтида билганлиги, ёхуд бу ҳақда суғурталовчида маълумотлар йўқлиги унинг суғурта товонини тўлаш мажбуриятига таъсир этмаслиги исботланмаса, суғурта товонини тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталовчи, агар қонунда ёки суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва суғурта ходисаси қуйидагилар оқибатида юзага келган бўлса, суғурта товонини ва суғурта пулини тўлашдан озод қилинади:

- ядро портлаши, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсирида;

- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар.

Агар мулкий суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда

тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара қилиниши, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида кўрилган зарар учун суғурта товонини тўлашдан озод қилинади.

Суғурталовчи мулкый суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчига (наф олувчига) суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлашни қуйидаги ҳолларда рад этишга ҳақли, чунончи:

-суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси юз бергунга қадар, шу жумладан Фуқаролик Кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилинганда;

-суғурта шартномаси Фуқаролик Кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаганда;

-суғурталовчи Фуқаролик Кодексининг 951-954-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича суғурта товонини ёки суғурта пули тўлашдан озод қилинганда;

-суғурталовчи Фуқаролик кодексида ёки бошқа қонунларда назарда тутилган асослар бўйича суғурта шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ёхуд суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта ҳодисаси ҳолатларини текшириб кўришга ёки етказилган зарар миқдорини аниқлашга тўсқинлик қилгани туфайли суғурта шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво қўзғатганида.

Суғурталовчининг суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарори суғурта қилдирувчига (наф олувчига) улар суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлашни сўраб мурожаат этганларидан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши ва рад этиш сабабларининг асослантирилган далил-исботларини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Суброгация. Агар мулкый суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг суғурта натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида суғурта товонини тўлаган суғурталовчига ўтади. Бироқ шартноманинг била туриб зарар етказган шахсга нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини истисно қиладиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчи ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни суғурталовчига бериши ҳамда барча

маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш суғурта қилдирувчининг (наф олувчининг) айби билан мумкин бўлмаган бўлса, суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва товоннинг ортиқча тўланган суммасини қайтаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

Назорат учун саволлар:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
2. Мажбурий суғуртанинг зарурлигини тушунтиринг.
3. Мажбурий суғуртанинг қандай турларини биласиз?
4. Мажбурий суғурта билан шуғулланувчиларга қандай талаблар қўйилган?
5. Ихтиёрий суғурта шартномасини тузиш тартиби қандай?
6. Шартномани тузиш жараёнида нималарга эътиборни қаратиш лозим?
7. Шартномани бекор қилиш қандай ҳолларда амалга оширилади?
8. Субрагация нима?

Мустақил иш топшириқлари:

1. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш шаклларни таҳлил қилиш.
2. Мажбурий суғурта ҳақида тушунча ва уни ўтказишдаги асосий шартлар.
3. Мажбурий суғуртанинг ҳуқуқий асослари билан танишиш.
4. Мажбурий суғуртанинг турлари билан тўлиқ танишиб келиш.
5. Шартнома тузиш жараёнлари билан танишиб келиш.
6. Шартнома шартларини ўрганиб келиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
3. Абдуллаев Й. Суғурта.(Маърузалар курси). Самарканд. 2003. – 138 бет
4. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
5. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
6. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
7. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет.

8. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2001. – 311 с.

9. Интернет сайтлари:

www.mf.uz

www.bir.uz

www.straxovka.ru

5-мавзу. Қайта суғурталаш компаниялари ва суғурта брокерларининг фаолиятини ҳуқуқий тартибларга солиши

Асосий саволлар:

1. Қайта суғурталаш: компаниялари, шартномаларни тузиш тартиби (кучга киритиш ва бекор этиш тартиби), томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
2. Қайта суғурта қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида акс эттирилиши.
3. Факультатив ва облигаторли қайта суғурта қилиш: ҳуқуқий асоси.
4. Суғурта брокерлари ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар.

Таянч сўз ва иборалар:

Ретроцессия - жараён, бунда қайта суғурталовчи маълум қисмини бошқа суғуртачига бериши мумкин.

Ретроцессионер – бу хавфни ретроцессияга бераётган қайта суғуртачи.

Бордеро – бу қайта суғурталашда хавфга тушиши мумкин бўлганларнинг руйхати бўлиб, бунда қайта суғурта қилувчи шахс суғуртачига систематик тарзда жунатиши лозим.

Рекапитуляция – бир кварталда қайта суғурталовчи суғурталашга жўнатган бордеролар руйхати.

Тантъема – суғурталовчи шахс қайта шартнома тузади комиссия тузилиб, хулосалар қилинади. У ҳар йили соф даромад суммаси кўринишида тўланади.

Бу ҳар йили тушган даромаддан тўланади.

Эксцидент – қайта суғурталашда суғурта комиссиясининг хавф хатар суммаси қайсини кўтаришда хавф хатарни қабул қилса.

Қайта суғурта қилиш. Суғурталовчи кузда тутилган мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бошқа суғурталовчига утказиши ёки қайта суғурта қилиши мумкин.

Цедент – бу таваккалчиликни суғурталашга олган ва бир қисмини қайта суғурталашга берган суғурталовчи;

Факультатив қайта суғурталаш - бу алоҳида тартибда амалга оширилган бўлиб, фақат битта таваккалчиликка тегишли бўлади.

Облигатор қайта суғурталаш – цедентнинг суғурталашга олган барча таваккалчиликлардаги маълум улушини қайта суғурталовчига бериш мажбурияти. Ушбу таваккалчиликлар

улушини қайта суғурталовчига бериш қачонки уларнинг суғурта суммаси суғурталовчининг ўзини олдиндан қатнашиши назарда тутилган имкониятдан ошиб кетса.

Дарс мақсади: Талабаларга қайта суғурталаш қилиш компаниялари ҳақида тушунча, қайта суғурта қилиш шартномаларини тузиш тартиби, қайта суғурталаш қилишда қатнашган томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қайта суғурта қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодексида акс эттирилиши, қайта суғурта қилиш шартномаларини кучга киритиш ва бекор этиш тартиби, факультатив қайта суғурта қилишнинг ҳуқуқий асослари, облигаторли қайта суғурта қилиш, суғурта брокерлари мустақил юридик шахс сифатида ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳақида тушунча бериш. Бу эса идентив ўқув мақсадлари доирасида талабаларда илмий-амалий кўникма ҳосил қилишида муҳим роль ўйнайди, яъни талаба юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мавзу саволларини ёритиб бера олади.

Таянч маъруза матни.

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан кўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокерининг фаолияти бундан мустаснодир.

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

Қайта суғурталашга XIX асрда Буюк Британия қонунчилигида шундай тушунтириш берилган эди: қайта суғурталаш суғурталанган таваккалчиликни айнан ўзини янгитдан суғурталаш ҳисобланади ва у суғурталовчининг аввалги таваккалчиликларидан ҳимоялаш учун керакдир.

Немис қонунчилиги эса, яна ҳам қисқароқ ва аниқроқ ёритган, яъни қайта суғурталаш суғурталовчининг таваккалчиликлари суғуртаси дийилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасида қайта суғурталашга қуйдагича таъриф берилган: «Бир суғурталовчи (қайта суғурталанувчи) суғурталанувчи олдидаги ўз мажбуриятлари бутунлай ёки қисман шартномада белгиланган таваккал шартлари асосида бажарилишини бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи) орқали суғурта қилиши-қайта суғурта қилиш ҳисобланади».

Ушбу қонуннинг 22-моддасида шундай дейилади: «Суғурталовчилар тўлов қобилиятларини таъминлаш учун активлар ва ўз зиммаларига олган суғурта мажбуриятлари ўртасидаги меъёрий нисбатларга риоя этишлари шарт. Ушбу нисбатларни ҳисоб –китоб қилиш услубиёти ва уларнинг меъёрий миқдорлари Давлат суғурта назорати томонидан белгиланади. Ўз маблағлари ва суғурта захиралари ҳисобидан тўлаш имкониятларидан ортиқча ҳажмларда мажбуриятлар олган суғурталовчилар тегишли мажбуриятлар ижроси таваккалини қайта суғурта қилувчиларда суғурта қилишлари шарт.»

Қайта суғурталаш суғурталовчининг фавқулодда (меъёрдан ортиқ) зарар кўрганида тўловга қобилиятини кафолатлайди. Шундай қилиб, юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб, қайта суғурталаш суғурталовчининг тўловга қобилиятидан ортиб кетувчи фавқулодда таваккалини «иккиламчи» суғуртаси ҳисобланади. Суғуртанинг асосий моҳияти ва функцияси ҳам айнан мана шундадир.

Молиявий-иқтисодий нуқтаи-назардан қайта суғурталаш–бу томонлар (суғурталовчи ва қайта суғурталовчи) муносабатларининг бир шакли бўлиб, унга асосан суғурталовчи баланслашган суғурта портфелини ташкил қилиш, суғурта операцияларининг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларининг мулкӣ манфаатлари ҳимояси бўйича таваккалчиликни суғуртага олаётиб у бўйича маъсулиятнинг бир қисмини бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи)га келишилган шартномавий шартлар беради. Таваккалчиликни тўла ёки қисман ўтказиш жараёни қайта суғурталаш цессияси дейилади. Бу ҳолатда таваккалчиликни ўтказувчи қайта суғурталанувчи цедент дейилади, таваккалчиликни олувчи қайта суғурталовчи эса, цессионарий дейилади.


Қайта суғурталовчи томонидан қабул қилинган таваккалчилик баъзида навбатдаги суғурта ташкилотига тўла ёки қисман ўтказилади. Қайта суғурталанган таваккалчиликни бундай навбатдаги ўтказилиши ретроцессия дейилади. Таваккалчиликни учинчи қатнашчига қайта суғурталашга ўтказётган суғурта ташкилоти ретроцедент дейилади, бундай таваккалчиликни олувчи суғурта ташкилдоти эса, ретроцессионарий дейилади.

Таваккалчиликни ўтказиш (қайта суғурталаш) жараёни қуйидаги схемада келтирилган:

Таваккалчиликни
бирламчи
жойлаштириш

Таваккалчиликни
иккиламчи жойлаштириш

Таваккалчиликни
учламчи жойлаштириш





Қайта суғурталаш шартномаларининг турлари.

Ўзаро олинган мажбуриятлар шакли бўйича қайта суғурталаш шартномалари қуйидаги турларга бўлинади:

Факультатив (ихтиёрий);

Облигатор (мажбурий);

Факультатив – облигатор.

Шартномаларнинг анча аввалги шакли факультатив қайта суғурталаш шартномалари бўлган. Унинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, қайта суғурталанувчига ҳам, қайта суғурталовчига ҳам таваккалчиликни индивидуал баҳолаш имконияти берилган, яъни цедентга – ўзининг таваккалчилигида қанча олиб қолишда, цессионарийга эса – таваккалчиликни қандай хажмда олишда.

Суғурта шартномаси ёзма шаклда тузилиши лозим.

Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёхуд суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли билан тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд - суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда - биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади.

Суғурталовчи шартнома тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича суғурта шартномаси (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шакллари қўлланишга ҳақли.

Мулкий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурта объекти бўлган муайян мол-мулк ёхуд бошқа мулк манфаат тўғрисида;

-юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ҳодисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта товони миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида, агар шартномада уни суғурта пулидан оз миқдорда тўлаш мумкинлиги назарда тутилган бўлса;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Шахсий суғурта шартномаси тузишда суғурта қилдирувчи билан суғурталовчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида келишувга эришилиши лозим:

-суғурталанган шахс тўғрисида;

-суғурталанган шахс ҳаётида юз бериши эҳтимол тутилиб суғурта амалга оширилаётган воқеа (суғурта ходисаси)нинг хусусияти тўғрисида;

-суғурта пули миқдори тўғрисида;

-суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) тўғрисида;

-шартноманинг амал қилиш муддати тўғрисида.

Тарафларнинг келишувига биноан шартномага бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномаси суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ёки наф олувчи ҳисобланган фуқаронинг аҳволини қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларни ўз ичига олса, шартноманинг ана шу шартлари ўрнига қонун ҳужжатларининг тегишли қоидалари қўлланилади.

Суғурталаш руй бериши мумкин бўлган хавф – хатарга асосланади, суғурта объекти таваккал қанча кўп бўлса тасодифлар нисбатан кўп бўлади ва суғурта портфели шунча барқарор бўлади.

Аммо кўп холларда суғурта жамияти портфелни тўла баланслаш олмайди. Ундан ташқари суғурта объектлари бита суғурта портфелида тўла изоляцияда бўлмайди. Шунинг учун табиий офатлар сув босими, туфонлар, зилзила катта ёнғинлар нафақат суғурта жамиятининг молиявий базасига зарар етказди балки уни касодга учратиши мумкин.

Суғурта суммаси учун, суғурта портфелини баланслаш учун қайта суғурталаш институти иш олиб боради. Унда бир суғурта қилувчи шахс 3 хавфи жавобгарлигини бошқа бир суғурта қилувчи шахсга беради, бир вақтнинг ўзида суғурта мукофоти муносиб тарзда бўлинади.

Бундай холларда суғурта қопламаси тўлов суммаси бир суғурта жамияти эмас балки бутун жамоа зиммасига тушади.

Хозирги фан ва техника тараққиёти даврида моддий бойликларнинг зич жойлаш юз бермоқда, бинобарин суғурта объектларида суғурта суммаси катта суратда ўсиб бормоқда.

Бирор бир суғурта комплекси қаятий қайта суғурталашни таъминланмай туриб шу сингари хавфларни қабул қила олмайди.

Қайта суғурталаш классификациялари

Қайта суғурталашни ўтказиш терминология билан боғлиқ. Қайта суғурталовчи суғуртачи суғуртага янги тасодифни қабул қилаётиб унинг ярим қийматини бошқа суғуртачига беради.

Биргаликда ёки ресипросит ҳолат — бу ҳолда қайта суғурталовчи қайта суғурталашга шартномаларни қайта суғурталанаётган шахс томони розилиги билан олдинги тузилган шартномалар ўхшашлигига розилик беради.

Қайта суғурта шартномаси ҳажми хавф хатарнинг барча максимал суммаси. Қайта суғурта жараёни ихтиёрий ва келишилган ҳолда бўлади. Ихтиёрий жараёнда ўтказаетган суғурта компанияси суғурталанувчидан суғурталашда хавф хатар хат юзасидан мажбурият олмайди. Хавф хатар аниқ бир вақтда таклиф қилиниши мумкин.

Ўз навбатида суғуртачи қабул қиланаётган суғурта хавф хатари жавобгарлигини ўз зиммасига олмайди. Суғуртага берилаётган хавф хатар, воситачилик вазифаси фойдаси уй хавф хатар билан боғлиқ брутто мукофотидан 20 – 40 % ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Факультатив қайта суғурталашнинг асосий камчилиги шундаки суғурталаш пайтида аниқланган хавф хатар умуман суғурталанмаган ёки қисмансуғурталанган бўлиши мумкин.

Қайта суғурталашнинг шартномавий тури факультатив қайта суғурталашдан фарқ қилиб ўзининг хусусиятига эга. Шартнома юридик ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун қайта суғурталаш шартномасида шартлар аниқ кўрсатилиши лозим. Шартномалрага қайта суғурталашга аниқ талаблар қўйилган. Мисол қилиб нисбий шартнома шартларини келтирамиз.

Шартноманинг кириш қисмида юридик адрес ва суғуртачи ва суғурталанувчи компанияларининг аниқ ва тўлиқ номлари келтиради.

Шартноманинг биринчи бетида қуйидаги қайта суғурталовчининг хавф хатари ва ҳудудий тегишлиги тарифи берилади.

Қайта суғурталовчи қайта суғурта деб пайдо бўлади барча хавф хатари кўрсатади. Ҳиссали шартномасида хавф хатарда қатнашган воситачининг ҳақи кўрсатади. Эксицидентда қайта суғурталовчининг имтиёзлари берилади.

Эксицидент қайта суғурталовчига бордеро жўнатишига боғлиқ бўлади. Комиссия воситачиси олиш лозим бўлган ва тантема фойдасига ундирилиши фоизи аниқланади.

Алоҳида бўлимларда текшириш ва зарар учун кетган тўловлар мукофотлар ва заралар учун кетган харажатлар руйхати томонларнинг шартномадан чиқиш ҳолатлари бахслар режим ива бошқа ҳолатлар қайд қилинади.

Қайта суғурталаш шартлари икки хил бўлади: нисбий ва нонисбий.

Биринчи шартномага улушли ва эксцидентли, иккинчи шартномага зарар эксцидентли ва эксцидент зарар шартномаси киради.

Улушили шартномада суғурта компанияси барча суғурта хавф хатарлари истисносиз тарзда, шунингдек мукофотларни суғурталашга бўлади.

Эксцидент шартнома – компания маълум сумма миқдорини ўз жавобгарлиги остида олиб қоладиган харажатларни ортиғини суғурталайди.

Қайта суғурта қилиш билан боғлиқ ҳукукий нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 959-моддасида акс эттирилган. Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини еки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ еки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобнинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Қайта суғурта қилишда суғурта товонини еки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи олдида Ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Икки еки бир нечта қайта суғурта қилиш шартномаларини кетма-кет тузишга йўл қўйилади. Бундай шартномаларнинг ҳар бири кейинги қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан асосий суғурта шартномаси деб ҳисобланади.

Цедент ва қайта суғурталовчининг ўзаро олинган мажбуриятлари шакли бўйича қайта суғурталаш шартномалари қуйидагиларга бўлинади:

- факультатив;
- облигаторли;
- факультатив-облигаторли;
- облигаторли-факультатив.

Факультатив қайта суғурталаш.

Савдо битимларини тузишда одатда олдиндан томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашга интилишади ва ундан кейин шартнома шартларини аниқлаш керак. Қайта суғурталашнинг барча турларидан бу мақсадлар учун кўпроқ факультатив тўғри

келади. Мазкур шартнома битта битмда битта ҳавфга тегишлидир. Фақат у қайта суғурталовчига қайта суғурталаш шартномаси бўйича мажбۇриятларни ўзига қабул қилишдан аввал унга таклиф қилинган алоҳида ҳавф ҳақидаги тўла тасаввурни олиш имконини беради. Қайта суғурталаш техникаси назарда тутиб, “факультатив қайта суғурталаш” иборасини қўллаганда, тўғри суғурталовчи қайта суғурталашда ҳавфни кимга таклиф қилишни ўзи танлайди, қайта суғурталовчи эса ҳаммасини ҳар томонлама кўрибчиқиб ҳавфнинг бир қисмини ўз зиммасига олиш ёки олмасликни ҳал қилади. Агар қабул қилиш керак бўлса қандай ҳажмдалигини ҳал қилади. Тўғри суғурталашнинг факультатив қайта суғурталаш ҳақидаги таклифи ҳавф ҳақидаги барча муҳим маълумотларга эга бўлиши керак. Қайта суғурталовчи ҳавф билан боғлиқ маълумотни ўргангандан кейин у тўғри суғуртачига факультатив қайта суғурталашга, у қайси урушни фоизда ёки сўмда қабул қилишни эълон қилади. Факультатив қайта суғурталашнинг тағлили шундай хулосага олиб келадики, энг қулай услуб шартномали ёки облигаторли қайта суғурталаш ҳисобланади.

Облигаторли қайта суғурталаш.

Облигаторли қайта суғурталаш шартномаси бўйича цедент қайта суғурталашга барча батафсил кўрсатилган ҳавфларни топширишга мажбур. Бундай ҳавфларни қабул қилишга мажбур қайта суғурталовчи ҳар бир конкрет ҳолада ҳавфни аниқлайди ва баҳолайди.

Қайта суғурталовчининг цедентнинг ишларига амал қилиш мажбурияти цедентнинг ўз ишларин бошқариш ҳуқуқига тегишлидир. Бошқача сўз билан айтганда цедент ишларига амалқилиш мажбуриятининг ҳажми ва чегараси суғуртачи-цедентнинг ўз бизнесини бошқариш ҳуқуқига тўғри келади. Облигаторли қайта суғурталаш шартномаси бўйича қайта суғурталаш тўловлари тўғри суғурталаш шартномасини тузганда суғурталовчи томонидан олинган суғурта тўловлари сўммасидан фоизда аниқланади облигаторли қайта суғурталаш шартномаси номалум муддатга тузилади. Бундай шартнома цедент учун фойдалидир, чунки аввалдан аниқланган ҳавфлар қайта суғурталовчидан автоматик тарзда қопланади.

Факультатив- облигаторли қайта суғурталаш.

Факультатив –облигаторли шартнома бўйича (қайта суғурталашнинг аралаш шакли) компания қабул қилинувчи ҳавфларни ёки уларнинг бир қисмини ўзида қолдириш ёки топшириш мумкин. Қайта суғурталанувчи бундай шартнома бўйича шартнома томонидан белгиланган ҳавфларни қабул қилишга мажбурдир. Факультатив қайта суғурталовчи учун назарда тутилади, шартноманинг облигаторли қисми эса қайта суғурталовчига тегишлидир. Қайта суғурталанувчи учун ҳавфларни танлаш мумкин. Бундай шартномани тузувчи қайта

суғурталовчи етарли даражада узатувчи компанияга ишониш керак, чунки унинг портфелининг балансланганлиги унга боғлиқдир. Қайта суғурталовчилар учун бундай шартнома ҳар доим ҳам қизиқарли эмас, чунки у бўйича узатишлар кўп эмас, маъсулият эса каттадир. Ундан ташқари бундай ҳавфларни қабул қилишга конъюктура катта таъсир кўрсатади, Ставкалар эса Ҳисоб - китобдан паст бўлиши мумкин. Бунинг ҳаммаси портфельнинг балансланганига таъсир этади шунинг учун кўпинча қайта суғурталовчилар оддий факультатив қайта суғурталашни маъқул кўришади.

Облигаторли-факультатив қайта суғурталаш

Облигаторли-факультатив қайта суғурталаш қайта суғурталовчи учун, факультативлик эса қайта суғурталовчи учун мажбуриятни назарда тутди. Бинобарин, бу шартномани қўллаш соҳаси чекланмаган, лекин кўпинча бундай шартномалар ўз филиаллари мавжуд компанияларга эгадир. Шартноманинг бу шакли қайта суғурталовчига қайта суғурталанувчининг суғурта сиёсатини назорат қилиш имконини беради, мутақил томонларнинг ўзаро муносабатларида компаниялар учун ҳар доим ҳам қўл келавермайди, демак, бундай шартномани тузиш фақат маълум муносабатларда мумкин бўлиб қолади. Бундан ташқари, қайта суғурталовчига энг фойдали хавфларни танлаб олиш имкони берилгандир, портфель баланси бузиш мумкин ёки хавфларни жойлаштириш бўйича қўшимча муаммоларни туғдириши мумкин.

Ҳозирги кунда суғурта ҳимоясининг сифатини ошириш, суғурта имкониятларидан ва унинг инвестиция ресурсларидан янада тулик фойдаланиш учун хизмат киладиган ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш бўйича зарурат мавжуд.

Ўзбекистон суғурта бозорининг замонавий ҳолати, унинг инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси мавжуд суғурта компаниялари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тизимини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи ўз зиммасига олган суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш хавфи унинг томонидан тўлиқ ёки қисман бошқа суғурталовчида (суғурталовчиларда) у билан тузилган қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан, агар қайта суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ушбу бобнинг тадбиркорлик хавфини суғурта қилиш борасида қўлланиши лозим бўлган қоидалари татбиқ этилади. Қайта суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта шартномаси (асосий шартнома) бўйича суғурталовчи кейинги шартномада суғурта қилдирувчи ҳисобланади.

Қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулини тўлаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта

қилдирувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурталовчи жавобгар бўлиб қолаверади.

Бирок асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи ҳисобланган суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларининг қайта суғурта қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчига ўтади.

Икки ёки бир нечта қайта суғурта қилиш шартномаларини кетма-кет тузишга йўл қўйилади. Бундай шартномаларнинг ҳар бири кейинги қайта суғурта қилиш шартномасига нисбатан асосий суғурта шартномаси деб ҳисобланади.

Қайта суғурталаш шартномаларининг турлари :

Цедент – бу таваккалчиликни суғурталашга олган ва бир қисмини қайта суғурталашга берган суғурталовчи;

-факультатив қайта суғурталаш - бу алоҳида тартибда амалга оширилган бўлиб, фақат битта таваккалчиликка тегишли бўлади;

-облигатор қайта суғурталаш – цедентнинг суғурталашга олган барча таваккалчиликлардаги маълум улушини қайта суғурталовчига бериш мажбурияти. Ушбу таваккалчиликлар улушини қайта суғурталовчига бериш қачонки уларнинг суғурта суммаси суғурталовчининг ўзини олдиндан қатнашиши назарда тутилган имкониятдан ошиб кетса;

-факультатив –облигатор қайта суғурталаш – бу қайта суғурталаш шароитларининг «Очиқ қолаш» шаклидир. Ушбу ҳолатда цедент қайси таваккалчиликларни ва қайси миқдорда суғурталовчига бериш тўғрисида мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўлади. Ўз навбатида қайта суғурталовчи олдиндан келишилган шартларда қайта суғурталашга берилган таваккалчилик улушини олишга мажбурдир.

Слип – бу факультатив қайта суғурталашга тегишли ҳужжат бўлиб, мазмунан ўз ичига цедентни номини, таваккалчиликнинг тавсифини, суғурта суммасини, суғурталаш ва қайта суғурталаш шартини, суғурта мукофоти ставкасини, цедентнинг ушлаб қоладиган маблағлари тўғрисидаги маълумотларни олади.

Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс **суғурта брокери** ҳисобланади.

Суғурта брокерининг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари билан қўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суғурта брокерининг фаолияти бундан мустаснодир.

Суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас. Суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг

топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик шахс қайта суғурта брокери ҳисобланади.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қуйидаги ҳуқуқларга эга: суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар қандай тури бўйича ваколатлар доирасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузилган тақдирда, суғурталовчини (қайта суғурталовчини) танлаш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг миқдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлилиги ва молиявий барқарорлиғига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта шартномасини тузиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ, ишончли ҳамда ҳолисона ахборотни мижозларнинг сўровларига кўра тақдим этиши;

мижознинг тижорат сирини ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Суғурта ва қайта суғурта брокерларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Назорат учун саволлар:

1. Қайта суғурталаш соҳасида қандай асосий ибора ва атамалар ишлатилади?
2. Қайси ҳолларда суғурта маъсулиятини бир қисмини ёки тўлалигича қайта суғурталайди?
3. Қайта суғурталашнинг моҳияти нимадан иборат?
4. Қайта суғурталашга бўлган эҳтиёжнинг камайишига сабаб нима?

Талаба мустақил иш топшириқлари:

1. Қайта суғурталаш соҳасида қўлланиладиган асосий ибора ва атамаларни чуқур ўрганиш.
2. Факултатив ва облигаторли қайта суғурталаш бўйича реферат тайёрлаб келиш.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
3. Абдуллаев Й. Суғурта.(Маърузалар курси). Самарканд. 2003. – 138 бет
4. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. СПб.: Питер, 2002. -256 с
5. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
6. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
7. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
8. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет.
9. Основы страховой деятельности. Учебник. / Отвюред.проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
10. Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ», 2001.- 311 с.
11. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
12. Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.bir.uz
www.straxovka.ru
www.unic.gov.uz
www.lex.uz
www.kafolat.dask.uz

**Мустақил ишларни бажариш бўйича маслаҳатларни олиб
боришнинг технологик картаси**

Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмун	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмун
1-босқич Тайёрлан иш босқичи	1.1.Мустақил ишларнинг рўйхути билан таништиради. Танланган мавзулар бир-бирини такрорламаслиги шартлигини билдиради		Мавзулардан бирини танлайдилар.
	1.2.Мустақил иш мақсади, унинг бажарилиш тартиби, тавсиялар билан таништиради.		Бажариш бўйича тавсияларни ёзиб оладилар.
2-босқич. Талаба- ларнинг мустақил ишни бажариш босқичи	2.1.Талабаларнинг мустақил ишни бажаришлари жараёнида график асосида маслаҳатлар ва кўрсатмалар беришни ташкил қилади.		Мустақил ишда кўриладиган масалани ўрганадилар ва уни мақсад ва вазифаларини аниқлаб оладилар.
			Мустақил ишни ёзиш учун керакли маълумотларни йиғиш.
			Мустақил ишнинг режасини тузадилар.

			Мавзуни ёритиш учун жадваллар, чизмалар, диаграммалар тузадилар.
			Олинган натижаларни таҳлил қиладилар ва улар асосида хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқадилар.
			Мавзу бўйича юқорида бажарилган вазифалар асосида реферат тайёрлайдилар.
			Реферат асосида маъруза қилиш учун Power Point программаси ёрдамида презентация слайдлари тайёрлайдилар.
3-босқич. Яқунлов-чи босқич	3.1.Аудиториядан ташқари бажарилган мустақил ишни ҳимоя қилишни тушунтиради.		Ўз хулоса ва таклифларини баён этади.
	3.2.Презентация қилувчига мустақил иши доирасида саволлар беради.		Гуруҳда мустақил ишини презентация ва ҳимоя қилади
	3.3.Гуруҳдаги талабалар ҳам савол беришлари мумкинлигини айтади.		Саволларга жавоб беради
	3.4.Мустақил ишни таҳлил қилиш варағи ёрдамида бажарилган иш баҳоланади.		

1-илова

Мустақил таълимда талабалар ўзлаштириши зарур бўлган мавзулар

1. Суғурта муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурлиги.
2. Суғурта муносабатларини тартибга солиш ҳуқуқининг аҳамияти.
3. Суғурта қонунчилиги ва ҳуқуқ уларнинг бир-биридан фарқи.
4. Суғурта манфаати ва суғуртавий ҳимоя ва суғурта объектини баҳолаш мезонлари.
5. Суғурта суммаси ва суғурта жавобгарлиги доираси ва брутто-ставка ва унинг таркибий тузилиши.
6. Суғурта шартномаси ва уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш.

7. Суғурта муносабатларида қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва суғурта полис.
8. Суғурта ҳодисалари рўй берганда томонлар ўртасидаги муносабатларни фаолият кўрсатишининг ўзига хос хусусиятилари.
9. Акциядорлик суғурта ташкилотларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлик ҳуқуқларини ҳимоя этиш тўғрисида»ги Қонуни.
11. Ўзаро суғурта қилиш жамияти ва уни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари.
12. Хусусий мулкка асосланган суғурта ташкилотларини тузишни ҳуқуқий тартибга солиш.
13. Суғурта ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатлар.
14. Хужжатларни ваколатли давлат органи томонидан кўриб чиқиш тартиби.
15. Турли мулк шаклига асосланган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олишнинг хусусиятлар.
16. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда давлат суғурта назоратининг ўрни ва аҳамияти.
17. Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда суғурта назорати органларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.
18. Суғурта шартномасини тузиш ва кучга киритиш тартиби.
19. Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.
20. Суғурта бозори инфратузилмасининг суғурта бозори ривожланишидаги аҳамияти.
21. Суғурталовчилар уюшмаси ва унинг вазифалари.
22. Актуарийлар маркази ва консалтинг фирмалари.
23. Лицензияни чиқариб олиш ва вақтинчалик тўхтатиш шартлари.
24. Давлат божхона ва солиқ органлари ходимларини бахциз ҳодисалардан мажбурий давлат суғуртасига олиш тартиби.
25. АҚШ иқтисодиётини ривожланишида суғуртанинг тутган ўрни.
26. АҚШда суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши.

2-илова

Мустақил ишни бажариш қондаси!

1.	Мустақил иш вазифаларини бажаришдан мақсад —
----	--

	талабаларга мустақил равишда маввзунинг режасини тузиш, муаммони таҳлил қилиб хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишга ўргатишдир.
2.	Талаба тақдим қилинган мустақил иш мавзуларидан бирини танлаб қуйидаги вазифаларни бажариши керак:
2.1	Мустақил иш ёзиш учун керакли маълумотларни йиғиш.
2.2	Мустақил иш бўйича режа тузиш.
2.3	Мавзунинг мазмунини ёритиш учун жадваллар, чизмалар, диаграммалар тузиш.
2.4	Мавзу бўйича юқорида бажарилган вазифалар асосида реферат тайёрлаш.
2.5	Реферат асосида маъруза қилиш учун Power Point программаси ёрдамида презентация тайёрлаш.
2.6	Мавзуга оид таянч сўз ва иборалар тайёрлаш.
2.7	Мавзунинг ўрганишни назорат қилиш учун саволлар келтириш.
2.8	Мавзуга оид тест тузиш.

3-илова


Мустақил ишни бажариш бўйича маслаҳат ва тавсиялар!

Мустақил иш мавзуларини ўрганишда молия, солиқ, суғурта, банк соҳасидаги ҳозирги ҳолатни акс эттирувчи маълумотлардан, масалан, статистик маълумотлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Маслаҳат вақти графигини бевосита “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасидан олиши мумкин. Электрон почта орқали ўқитувчига мурожаат қилиши мумкин. MS Office дастурлари Word, Excel, Power Pointларда ишлаш бўйича кутубхона фондидаги электрон дарсликлардан фойдаланиш мумкин.


4-илова

Мустақил иш бажариш тартиби

Мустақил иш мавзуларидан бирини танлаш



**Мустақил иш мавзусини кафедрада
рўйхатдан ўтказиш**



**Мустақил иш мавзуси бўйича режа
тузиш**

5-илова

Мустақил иш бажариш стратегияси:

мустақил иш мавзуси бўйича керакли маълумотларни
йиғиш;

талаба томонилан йиғилган маълумотлар асосида
реферат мавзуси мазмунини ёритиш;

мустақил иш мавзусини тўлиқ ёритиш учун жадваллар,
чизмалар, диаграммалар тузиш;

мавзу бўйича юқорида бажарилган вазифалар асосида
статистик маълумотлардан фойдаланиб, манбалари
тўлиқ акс эттирилиб **Word, Excel** дастури
имкониятларидан фойдаланиб рефератни якунлаш;

реферат бўйича маъруза қилиш учун Power Point
дастури ёрдамида презентация тайёрлаш.

Амалий машғулотнинг технологик картаси


Иш босқич- лари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Изоҳ	Талаба фаолиятининг мазмуни
1-босқич	1.1.Мавзуни аниқлайди, кейсни ишлаб чиқади, вазиятни, муаммони аниқлайди, ахборот тайёрлайди.		
Тайёрлан иш босқичи (5 мин)	1.2.Дарсга мустақил тайёргарлик қилиш, ўтилаган маърузани қайтариш кераклигини айтади.		Тинглайдилар
2-босқич. Мавзуга кириш босқичи (15 мин)	2.1.Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. 2.2.Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини, баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништириди. 2.3.Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. 2.4.Саволлар бериб суҳбат тарзида тингловчилар билимларини жонлантиради. 2.5.Кейснинг аҳамиятини кўрсатади ва билимларни ривожлантиришга таъсирини тушунтиради.		Тинглайдилар, мавзу номини ёзиб оладилар. Ёзиб оладилар. Топшириқлар билан танишадилар.

3-босқич. Яқунлов-чи босқич (50 мин)	3.1. Материалларни муҳокама қилишларини ташкил қилади, кейс билан ишлаш қоидаларини тушунтиради. Муаммога эътиборларини қаратишларини, вазифаларни аниқлашни сўрайди, унинг алгоритмини аниқлашга эътиборларини қаратади.		Муҳокама қиладилар. Вазиятни мустақил таҳлил қиладилар.
	3.2. Ҳолатни мустақил таҳлил қилишни сўрайди.		
	3.3. Кейснинг иккинчи қисмида келтирилган маълумотлардан фойдаланишни сўрайди.		
	3.4. Талабаларни 5-6 кишидан иборат гуруҳларга ажратади. Кейс билан мустақил ишлаш натижаларини минигуруҳларда муҳокамасини ташкил қилади. Таҳлил варағини ёзма равишда тайёрлашни тавсия қилади.		Гуруҳларга бўлинадилар. Гуруҳларда биргаликда таҳлил қиладилар.
	3.5. Натижаларни презентация учун тайёрлашни айтади.		Вазиятнинг асосий аспектларини муаммони ва унинг ечимини аниқлайдилар, гуруҳда натижаларни шакллантирадилар Натижаларни презентацияга тайёрлайдилар.
	3.6. Презентациянинг бошланишини эълон қилади. Гуруҳдаги вакилларни кейснинг ҳал қилиш ишлари натижалари бўйича презентацияга чақиради. Вакилларнинг презентацияси давомида аниқлаштирувчи саволлар бериб боради.		Вакиллар ўз ечимларини тақдим қиладилар, саволларга жавоб берадилар.
	3.7. Таклиф қилинган ечимларни гуруҳлараро баҳоланишини ва тўғри ечим танлашни ташкил қилади.		Ечимларга ўз муносабатларини билдирадилар. Баҳо берадилар

4-босқич. Якунлов- чи босқич (10 мин)	4.1.Натижаларни умумлаштиради. 4.2.Таклиф қилинган қарорларни изоҳлайди. 4.3.Кейснинг аҳамиятини кўрсатади ва билимларни ривожлантиришга таъсирини тушунтиради 4.4.Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади.		Тинглайдилар. Саволлар берадилар.
	4.5.Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.		
	4.6.Мавзу бўйича билимларни чуқурлаштириш учун адабиётлар рўйхатини беради.		Ёзиб оладилар.

1-илова

Талабаларни гуруҳлашнинг оптимал варианты!



Суғурта ҳуқуқи нима?

Суғурта фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнларини айтинг.

Суғурта фаолияти ва унинг ахборот таъминотини ташкил этиш.

Суғуртанинг тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатидаги хусусиятлари.

Суғурта ташкилотлари даромадлари ва уларни шакллантириш йўллари айтинг.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Суғурта ташкилотларини лиценлаш жараёнларини тушунтиринг.

лова

Гуруҳда ишлаш қоидалари!

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким фаол, биргаликда, берилган топшириққа маъсулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда, албатта, ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз;

кемага тушганнинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Тест саволлари.

1. Суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суғурта агенти бўла оладиларми?

- A. йўқ
- B. мумкин
- C. баъзида мумкин
- D. шартномага боғлиқ

2. Суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори ким томонидан белгиланади?

- A. Вазирлар Маҳкамаси
- B. Олий Мажлис Қуйи палатаси
- C. Молия Вазирлиги бошқармаси
- D. Давлат Солиқ Қўмитаси

3. Ўзбекистон Республикасида суғурта турларини қайси орган белгилайди?

- A. Вазирлар Маҳкамаси

- Ў. Молия Вазирлиги бошқармаси
С. Давлат Солиқ Қўмитаси
D. Марказий банк бош бошқармаси
- 4. Суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи юридик шахс ким ҳисобланади?**
A. суғурталовчи
B. суғурталанувчи
C. суғурта брокери
D. суғурта манфаатдори
- 5. Суғурта қилдирувчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни ким амалга оширади?**
A. суғурта брокери
B. суғурта ташкилоти
C. суғурталовчи ва мижоз
D. жисмоний шахслар
- 6. Суғуртанинг қандай функциялари мавжуд?**
A. хавф-хатар, огоҳлантириш, инвестиция, омонат, ахборот
B. тақсимлаш, қайта тақсимлаш, назорат
C. огоҳлантириш, омонат, тақсимлаш, назорат
D. инвестиция, кредитлаш, жамғариш
- 7. Ўзбекистон молия ҳалқ комиссарлиги таркибида суғурта бошқармаси қачон тузилган?**
A. 1924 йил
B. 1922 йил
C. 1928 йил
D. 1930 йил
- 8. Суғурта ҳуқуқи Фуқаролик Кодексининг нечанчи бобида ўз аксини топган?**
A. 52 бобида
B. 50 бобида
C. 54 бобида
D. 55 бобида
- 9. Биринчи «Суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қачон қабул қилинган?**
A. 1993 йил 6 май
B. 1992 йил 5 май
C. 1994 йил 8 май
D. 1996 йил 10 май
- 10. Ўзагросуғурта давлат акциядорлик суғурта компанияси (ДАСК) қачон ташкил этилди?**
A. 1997 йил
B. 1996 йил
C. 1998 йил
D. 2000 йил
- 11. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?**
A. 2002 йил 5 апрель
B. 2001 йил 6 май
C. 2003 йил 4 май
D. 2004 йил 8 июнь

- 12. Суғурталовчининг номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс ким деб аталади?**
- A. суғурта агенти
 - B. суғурта ташкилоти
 - C. суғурта брокери
 - D. суғурта аудитори
- 13. Суғурталовчиларни давлат рўйхатидан ўтказишни ким амалга оширади?**
- A. Адлия Вазирлиги
 - B. Давлат Солиқ Қўмитаси
 - C. Молия Вазирлиги бошқармаси
 - D. Давлат Мулк Қўмитаси
- 14. Қандай манфаатларни суғурталашга йўл қўйилмайди?**
- A. кимор, лотереялар ва гаров ўйинлари
 - B. автотранспорт воситалари
 - C. уй- жой, иморат, бинолар
 - D. меҳнат қобилияти, қўшимча перция
- 15. Суғурта шартномаси қандай шаклда тузилиши лозим?**
- A. ёзма
 - B. оғзаки
 - C. ёзма ва оғзаки
 - D. шартномага боғлиқ
- 16. Суғурта мукофоти нима?**
- A. суғурта қилдирувчи (наф олувчи) нинг суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи
 - B. бирор ҳодиса келтирган зарар
 - C. суғурталовчининг наф олувчига бериши лозим бўлган пули
 - D. мижозга бериладиган совға
- 17. Суғуртанинг умумий –ташкилий таянч тушунчаларига қуйидаги атамаларнинг қайсилари тегишли?**
- A. суғурталовчи, суғурталанувчи, суғурта объекти, суғурта сири
 - B. суғуртавий баҳолаш, суғурта таъминоти
 - C. суғурта ҳодисаси, суғурта рентаси
 - D. суғурта ҳодисаси, суғурта объекти, франшиза
- 18. Суғуртавий баҳолаш суғуртанинг қайси атамалар гуруҳига тегишли?**
- A. суғурта фондини шакллантириш билан боғлиқ атамалар
 - B. суғурта фондини сарфланиши билан боғлиқ атамалар
 - C. суғуртанинг умумий –ташкилий атамалари
 - D. халқаро суғурта атамалари
- 19. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини ва унинг сабабларини белгилаб берувчи ҳужжат нима деб аталади?**
- A. суғурта акти
 - B. суғурта ҳодисаси
 - C. суғурта гувоҳномаси
 - D. суғурта шартномаси
- 20. Транспорт воситаларида ташиладиган барча юкларни транспорт воситаларисиз суғурта қилиниши нима дейилади?**
- A. карго
 - B. франшиза
 - C. субрагация
 - D. таъминот
- 21. Ўзбекистон Республикасида суғурта бизнесининг бошқаришнинг биринчи ва олий табақаси келтирилган жавобни аниқланг.**

- A. фуқаролик ҳукуқи
 - B. махсус қонунчилик
 - C. идораларнинг норматив ҳужжатлари
 - D. суғурта ташкилотининг гувоҳномаси
- 22. Суғуртани иқтисодий категория қаторига киритиш мумкинми?**
- A. суғурта молия ва кредит оралиғидаги категория, чунки у кредитга ҳам хизмат қилади
 - B. суғурта молия ва кредит категориялари билан боғланган иккиламчи категория
 - C. суғурта пул, иш ҳақи, пенсия, фойда тушунчалари билан боғланган
 - D. молия билан кредит бирламчи категория, суғурта бирламчи категория эмас
- 23. Суғурта тўловининг миқдорига қайси омиллар таъсир қилади?**
- A. суғурта пулининг катта-кичиклиги ва таърифи
 - B. суғурта пули ва баҳоси
 - C. суғурта доираси, пули ва баҳоси
 - D. суғурта ҳодисаси ва тўлови
- 24. Суғурта бозори иштирокчилари кимлар?**
- A. суғурта қилувчилар, суғурта қилдирувчилар, воситачилар, агент
 - B. суғурта қилувчилар, суғурта қилдирувчилар
 - C. суғурта маклери, брокер ива агенти
- 33. Суғурта жамғармалари марказлаштирилиши бўйича неча хил бўлади?**
- A. хусусий ва давлат жамғармалари
 - B. умумий ва жорий жамғарма
 - C. вилоят ва туман жамғармалари
 - D. фақат компания жамғармаси
- 34. Ташқи иқтисодий муносабатларга хизмат қилувчи суғурта ташкилоти қайси бири?**
- A. Ўзбекинвест
 - B. Кафолат ва Мадад
 - C. Мадад ва Ишонч
 - D. Умид ва Кафолат
- 35. Суғурта фондини шакллантириш билан боғлиқ атамаларга қуйидагиларнинг қайси бири кириди?**
- A. суғуртада баҳолаш
 - B. суғурта далолатномаси
 - C. суғурта франшизаси
 - D. суғурта муносабатлари
- 36. Суғурта фондини сарфланиши билан боғлиқ атамаларга қуйидагиларнинг қайси бири кириди?**
- A. суғурта акти
 - B. суғурта объекти
 - C. суғурта франшизаси
 - D. суғурта брокери
- 37. Ихтиёрий суғуртанинг асосий белгиси қайси бири?**
- A. суғурта бадалини тўлаш жараёни билан боғлиқ
 - B. суғурта таъминотини амалга оширилади
 - C. қонун асосида тартибга солинади
 - D. суғурта бадал тўлаш билан боғлиқ эмас
- 38. «Ўзагросуғурта» компанияси фаолиятининг асосий йўналиши қайси бири?**

- А.* кишлок хўжалигида мол-мулкни ва аҳолининг ҳаётини суғурталаш билан боғлиқ
- В.* тадбиркорлик рискларини суғурталаш билан боғлиқ
- С.* чет эл инвестицияларини суғурталаш билан боғлиқ
- Д.* шаҳарда яшовчиларнинг мол-мулкни суғурталаш билан боғлиқ
- 39. Суғурта ходисаси нима?**
- А.* суғурта ходисаси-содир бўлган воқеа
- Б.* суғурта ходисаси-бу шартнома
- С.* суғурта ходисаси-суғурта пулидир
- Д.* суғурта ходисаси-бу қоплама
- 40. Суғурта доираси нима?**
- А.* суғурта объекти ва субъекти ўртасидаги боғлиқлик
- В.* суғурта ташкилоти устидан назорат
- С.* суғурта турлари бўйича тақсимот
- Д.* суғурталанадиган объектларнинг миқдори
- 41. Суғурта баҳоси нима?**
- А.* суғурта қилинаётган объект қийматининг пулдаги ифодаси
- В.* суғурта қилувчининг жавобгарлигининг чекланган ҳажми
- С.* суғуртада мулкнинг пулдаги ифодаси
- Д.* суғурта ташкилоти тўлайдиган пул
- 42. «Суғурта тўғрисида»ги Қонун неча боб ва моддалардан иборат?**
- А.* 5 боб, 33 моддадан
- Б.* 6 боб, 34 моддадан
- С.* 4 боб, 32 моддадан
- Д.* 9 боб, 35 моддадан
- 43. Суғуртага таъриф «Суғурта тўғрисида»ги Қонуннинг нечанчи моддасида келтирилган?**
- А.* 3-моддада
- В.* 4-моддада
- С.* 5-моддада
- Д.* 6-моддада
- 44. Ўзбекистонда суғурта ишини бошқаришнинг неча табақали ҳукукий асоси мавжуд?**
- А.* 3
- В.* 4
- С.* 2
- Д.* 5
- 45. «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг чиқарилишидан мақсад нима?**
- А.* суғурта фаолиятини тартибга солиш
- В.* суғурта фаолиятини юритиш
- С.* суғурта фаолиятини белгилаш
- Д.* суғурта турларини белгилаш
- 46. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунга биноан суғурта қандай соҳаларга бўлинади?**
- А.* ҳаётий ва умумий соҳага
- В.* мулкӣ ва номулкӣ соҳага
- С.* марказлашган ва умумий соҳага
- Д.* шахсий ва мулкӣ соҳага

47. Жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти ва пул таъминоти билан боғлиқ манфаатларини суғурта қилиш шартнома бўйича энг катта муддати неча йил?

А. 1 йил

В. 2 йил

С. 4 йил

Д. ярим йил

48. Суғурта турлари (класслари)ни Ўзбекистон Республикасининг қайси органлари белгилайди?

А. Вазирлар Маҳкамаси

Б. Олий Мажлис Қўйи палатаси

С. Молия Вазирлиги бошқармаси

Д. Иқтисодиёт Вазирлиги

49. Суғурта бозорининг суғурта воситалари иштирокчилари кимлар?

А. суғурта брокери, қайта суғурта брокери, суғурта агенти

В. суғурта агенти, суғурта диллери

С. суғурта брокери, қайта суғурта брокери

Д. суғурта диллерлари, суғурта брокери

50. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари кимлар?

А. суғурталовчилар, суғурта воситачилари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар

В. юридик ва жисмоний шахслар

С. суғурталовчилар, суғурта воситачилари

Д. суғурта воситачилари, юридик шахслар

51. Ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шарномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи юридик шахс қандай номланади?

А. қайта суғурта брокери

Б. суғурта агенти ёрдамчиси

С. суғурта брокери ёрдамчиси

Д. суғурта диллери ва брокери

52. Суғурталовчининг номидан ва топширигига биноан суғурта шарномасини тузиш ва ижро этилишини таъминловчи юридик ва жисмоний шахс қандай аталади?

А. суғурта агенти

В. қайта суғурта брокери

С. суғурта брокери

Д. суғурта диллери

53. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта корпорацияси тўғрисидаги Низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан қачон чиқарилган?

А. 27.11.2002

Б. 26.11.2004

С. 28.02.1997

Д. 30.01.2003

54. «Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қачон чиқарилган?

А. 2002 йил 31 январ

В. 2004 йил 31 январ

- С. 2001 йил 31 октябр
D. 2003 йил 31 октябр
- 55. Қачондан бошлаб суғурта ташкилотлари даромад солиғидан маълум муддатга озод этилди?**
A. 2002 йил 1 февралдан
Б. 2004 йил 1 мартдан
C. 2003 йил 1 апрелдан
D. 2001 йил 1 февралдан
- 56. 2002 йилдан суғурта ташкилотлари неча йилга даромад солиғини тўлашдан озод этилди?**
А. 3 йилга
B. 2 йилга
C. 5 йилга
Д. 4 йилга
- 57. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қачон чиққан?**
А. 1997 йил 18 февраль
Б. 1999 йил 31 март
C. 1998 йил 17 февраль
Д. 1995 йил 20 декабрь
- 58. 1997 йил 18 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекинвест экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонида компаниянинг устав сармояси қанча миқдорда белгиланди?**
А. 60 млн. АҚШ доллари
Б. 50 млн. АҚШ доллари
C. 75 млн. АҚШ доллари
D. 100 млн. АҚШ доллари
- 59. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этишда Молия Вазирлиги қанча миқдорда таъсис бадалини қўшди?**
А. 50 млн. АҚШ доллари
B. 60 млн. АҚШ доллари
C. 55 млн. АҚШ доллари
Д. 40 млн. АҚШ доллари
- 60. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қачон чиқарилган?**
А. 2002 йил 27 ноябрь
Б. 2003 йил 27 декабрь
C. 2004 йил 27 январь
Д. 2001 йил 27 ноябрь
- 61. Ўзбекистон Республикасида қайси давлат органи суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш ваколатини бажаради?**
A. Молия Вазирлиги
Б. Суғурта агентлиги
C. Президент девони

Баҳолаш мезонлари

1. Жорий назоратларни баҳолашлар мезони

Максимал балл				Баҳоладиган иш турлари
Жами	1-ЖБ	2-ЖБ	3-ЖБ	
15	5	5	5	Дарсга назарий тайёргарлик билан келиш ва фаол иштирок этиш
15	5	5	5	Умумий ва яқка тартибдаги уй вазифаларини бажариш, назорат саволлари
9	3	3	3	Ўқув дастурига мувофиқ реферат ёзиш, амалий топшириқлар бажариш ва ҳимоя қилиш (мустақил таълим)
6	2	2	2	Машғулотларга қатнашиш (давомат)
45	15	15	15	
10				Фан бўйича илмий конференция, олимпиада, танлов ва конкурсларда иштирок этиш, совриндор ўринларни эгаллаш, илмий мақола ва рисоалар чоп этган талабага рағбатлантириш мақсадида 45 балл доирасида 10 баллгача қўшимча балл берилди

Изоҳ:

1. Давомат учун максимал балл маъруза ва амалий машғулотларга тўлиқ қатнашган талабаларга берилди. Икки ва ундан ортиқ маротаба сабабсиз дарсга келмаган талабага давомат бўйича балл берилмайди.
2. Уй топшириқлари ва бошқа қўшимча топшириқларни бажарганлиги учун балл беришда топшириқнинг тўғри, сифатли ва муддатида бажарилиши, ижобий ёндошув, тушунтириб бера олиш каби жиҳатларга алоҳида эътибор берилди. Ушбу топшириқларнинг ёзма баёни учун алоҳида дафтар тутилади.

2. Оралик назоратларни баҳолашлар мезони

Балл		Талабанинг билим, кўникма ва фикрлаш даражаси
1 -О Н	2 -О Н	
20	20	Талаба фаннинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрнини, ўтилган материални чуқур тушунади, маъруза ва мустиқил иш саволларига аниқ ва тўлиқ жавоб беради,

		фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, хулосаларни асослай олиш қобилиятига эга, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ва ўзига хос усулларда ҳал қила олади, тўғри хулоса чиқаради.
19	19	Талаба ўтилган материалларни чуқур тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлаш ва хулосаларни асослай олиш қобилиятига эга, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга умуман ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ҳал қилади, лекин хулосаларда баъзи ноаниқликларга йўл қўяди.
18	18	Талаба ўтилган материалларни ва унинг моҳиятини анча чуқур тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига жавоб беради. Лекин умумий ҳарактердаги айрим хатоликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлаш ва хулосаларни асослаш қобилияти бор, жавобда мантиқий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни умуман тўғри ҳал қила олади, лекин хулосаларда ноаниқликлар учрайди.
17	17	Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини жуда яхши тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига умуман тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, лекин баъзи хулосаларни тўлиқ бера олмайди, масалани ҳал қилишга умуман ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни бироз қийинчилик билан, лекин умуман тўғри ҳал қилади, хулосаларида ноаниқликлар учрайди.
16	16	Талаба ўтилган материални ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини яхши тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига тўлиқ жавоб беради, лекин баъзи умумий ҳарактердаги саволларга хатоликларга йўл қўяди, фактларга баҳо беришда бироз қийналади, умуман мустақил фикрлай олади, лекин айрим хулосаларни асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга анча ижодий ёндашади, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим умумий ҳарактердаги хатоликларга йўл қўяди, хулосаларида ноаниқликлар учрайди.
15	15	Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини умуман тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига анча аниқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади, лекин

		айрим хатоликларга йўл қўяди, айрим фактларни шунчаки ёдлаб олганлиги сезилиб туради, айрим хулосаларни тўғри асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга ижодий ёндошиш сезилмайди, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим хатоликларга йўл қўяди.
14	14	Талаба ўтилган материални умуман билади. Маъруза ва мустақил иш саволларига анча аниқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади, лекин айрим жиддий хатоликларга йўл қўяди, қатор фактларни шунчаки ёдлаб олганлиги сезилади, хулосаларни асослашда қийналади, ижодий ёндошиш сезилмайди, амалий топшириқларни умуман ҳал қилади, баъзи жиддий хатоликларга йўл қўяди.
13	13	Талаба ўтилган материални умуман билади. Маъруза ва мустақил иш саволларига анча аниқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади, лекин айрим жиддий камчиликлар бор, мулоҳаза юритишда хатоликларга йўл қўяди, фактларни асосан шунчаки ёдланганлиги сезилади, айрим хулосаларни асослаб бера олмайди ва масалани ҳал қилишга ижодий ёндоша олмайди, амалий топшириқларни қийналиб бўлсада ҳал қилади, лекин жиддий камчиликларга йўл қўяди.
12	12	Талаба ўтилган материални қисман билади, маъруза ва мустақил иш саволларига жавобларда жиддий камчиликларга йўл қўяди, фактларни баҳолаб бера олмайди, хулосаларни асослашда қийналади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олмайди, амалий топшириқларни ҳал қилишда қийналади ёки ҳал қила олмайди.
11	11	Талаба ўтилган материал ҳақида қисман, узук-юлуқ тасаввурга эга, материалда яхши ўзлаштирилмаган, билган нарсасини ҳам фақат ёдлаганлиги сезилиб туради, фактларга баҳо бера олмайди, амалий топшириқларни деярли ҳал қила олмайди.
5 -10	5 -10	Талаба ўтилган материал ҳақида жуда кам тасаввурга эга, айрим фактларга узук-юлуқ билиши мумкин, амалий топшириқларни ҳал қила олмайди, жиддий қўпол хатоликка йўл қўяди.
0-4	0-4	Талаба материал бўйича деярли ҳеч нарса билмайди, жуда кам тасаввурга эга ёки умуман тасаввурга эга эмас.

3. Якуний назоратни баҳолашлар мезони

Балл	Талабанинг билим, кўникма ва фикрлаш даражаси
ЯН	

15	Талаба фаннинг моҳияти ва иқтисодиётдаги ўрнини, ўтилган материални чуқур тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига аниқ ва тўлиқ жавоб беради, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, хулосаларни асослай олиш қobiliятига эга, жавобда мантикий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ва ўзига хос усулларда ҳал қила олади, тўғри хулоса чиқаради.
14	Талаба ўтилган материалларни чуқур тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлаш ва хулосаларни асослай олиш қobiliятига эга, жавобда мантикий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга умуман ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни тўғри ҳал қилади, лекин хулосаларда баъзи ноаниқликларга йўл қўяди.
13	Талаба ўтилган материалларни ва унинг моҳиятини анча чуқур тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига жавоб беради. Лекин умумий ҳарактердаги айрим хатоликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлаш ва хулосаларни асослаш қobiliяти бор, жавобда мантикий кетма-кетликка амал қилади, масалани ҳал қилишга ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни умуман тўғри ҳал қила олади, лекин хулосаларда ноаниқликлар учрайди.
12	Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини жуда яхши тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига умуман тўлиқ жавоб беради, лекин айрим ноаниқликларга йўл қўяди, фактларга тўғри баҳо бера олади, мустақил фикрлай олади, лекин баъзи хулосаларни тўлиқ бера олмайди, масалани ҳал қилишга умуман ижодий ёндаша олади, амалий топшириқларни биров қийинчилик билан, лекин умуман тўғри ҳал қилади, хулосаларида ноаниқликлар учрайди.
11	Талаба ўтилган материални ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини яхши тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига тўлиқ жавоб беради, лекин баъзи умумий ҳарактердаги саволларга хатоликларга йўл қўяди, фактларга баҳо беришда биров қийналади, умуман мустақил фикрлай олади, лекин айрим хулосаларни асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга анча ижодий ёндошади, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим умумий ҳарактердаги хатоликларга йўл қўяди, хулосаларида ноаниқликлар учрайди.
10	Талаба ўтилган материални ва унинг моҳиятини умуман

	тушунади, маъруза ва мустақил иш саволларига анча аниқ ва тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилади, лекин айрим хатоликларга йўл қўяди, айрим фактларни шунчаки ёдлаб олганлиги сезилиб туради, айрим хулосаларни тўғри асослаб бера олмайди, масалани ҳал қилишга ижодий ёндошиш сезилмайди, амалий топшириқларни ҳал қилишда айрим хатоликларга йўл қўяди.
9	Талаба ўтилган материал ҳақида қисман, узук-юлук тасаввурга эга, материалда яхши ўзлаштирилмаган, билган нарсасини ҳам фақат ёдлаганлиги сезилиб туради, фактларга баҳо бера олмайди, амалий топшириқларни деярли ҳал қила олмайди.
4-8	Талаба ўтилган материал ҳақида жуда кам тасаввурга эга, айрим фактларга узук-юлук билиши мумкин, амалий топшириқларни ҳал қила олмайди, жиддий қўпол хатоликка йўл қўяди.
0-3	Талаба материал бўйича деярли ҳеч нарса билмайди, жуда кам тасаввурга эга ёки умуман тасаввурга эга эмас.

4. Рейтинг тизимининг йиғма жадвали

Назорат тури	Ажратилган макс. балл	Саралаш балли	Билим савиясига қўйиладиган баллар			
			Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз
1. Жорий назорат (ЖН) бўйича						
Жами	45	25	39-45	32-38	26-32	0-25
2. Оралик назорат (ОН) бўйича						
Жами	40	22	34-40	28-34	21-27	0-22
3. Якуний назорат (ЯН) бўйича						
Жами	15	8	13-15	11-13	9-11	0-8
Ҳаммаси	100	55	86-100	71-85	56-70	0-55

Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V \cdot O}{100}$$

бу ерда:

V – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда)

Ў – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Фан бўйича жорий, оралик ва якуний назоратларнинг ҳар бирида ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балли этиб белгиланади.

Жорий ва оралик назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш балли 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган барча талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга киритилади.

Агар талаба якуний назоратда шу назорат тури бўйича саралаш баллидан юқори балл тўпласа, бу балл жорий ва оралик назоратларда тўпланган балларга қўшилади. Акс ҳолда талабанинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи фақат жорий ва оралик назоратларнинг баллари йиғиндисидан иборат бўлади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий балли ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

Оралик ва якуний назорат турлари календар тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охирги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади.

Жорий ва оралик назоратларда саралаш баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий ва оралик назоратлар учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Белгиланган муддатларда топширилмаган жорий ва оралик назорат баллари кейинги баҳолаш балларига қўшилмайди ва қайта топширишга рухсат берилмайди.

касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган ҳамда белгиланган муддатларда жорий, оралик ва якуний назоратларни топшира олмаган талабаларга факултет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида фан бўйича жорий, оралик ёки якуний назорат турларини ҳар бири бўйича саралаш баллидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қоникарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугагандан кейин қайта ўзлаштириш учун 2 ҳафта муддат берилади. Шу муддат давомида фанни ўзлаштира олмаган талаба факултет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан талабалар сафидан четлаштирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 1 кун мобайнида факултет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факултет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси

талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факултет декани, кафедра мудир, ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

Талабанинг фан бўйича назорат турларидан тўплаган баллари семестр якунида рейтинг қайдномасига бутун сонлар билан қайд қилинади. Рейтинг дафтарчасининг “Ўқув режасида ажратилган соат” устунига семестр учун фанга ажратилган умумий ўқув юклама соатлари, “Фандан олинган баҳо” устунига эса 100 баллик тизимдаги ўзлаштириш қўйилади.

Талабанинг саралаш баллидан паст бўлган ўзлаштириши рейтинг дафтарчасига қайд этилмайди.

Ҳар бир фан бўйича ўтказиладиган назорат турларининг натижалари гуруҳ ва профессор-ўқитувчи журналлари ҳамда қайдномада қайд этилади ва шу куннинг ўзида (назорат тури ёзма шаклида ўтказилган бўлса, 2 (икки) кун муддат ичида) талабалар эътиборига етказилади.

Якуний назорат натижаларига кўра деканат талабаларнинг фан бўйича рейтингини аниқлайди ҳамда рейтинг дафтарча ва қайдноманинг тегишли қисмини тўлдиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси. (52-БОБ) -Т.: Ўзбекистон, 1994.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонун, 2002 йил 5 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги қабул қилинган “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Қонуни
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 141-сонли қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. 10 апрелдаги ПҚ-618 сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 17 апрелдаги ПҚ-325 сонли “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 й. 21 майдаги ПҚ-640 сонли “Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ 872-сонли “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
10. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

- Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
 12. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
 13. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
 14. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
 15. Абдуллаев Й. Суғурта (Маърузалар курси). Самарқанд. 2003. – 138 бет
 16. Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Страхование. СПб.: Питер, 2002. -256 с
 17. Гвоздеко А.А. Основы страхования: Учебник. – 2-е изд., переб. И доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. -320 с
 18. Зайналов Ж.Р., Мадиев А.Н. Суғурта иши. Лекциялар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2009, 256 бет.
 19. Климова М.А. Страхование. Учеб. пос. – М.: ПРИОР, 2004.- 137 с
 20. Мадиев А.Н. Суғурта иши. Услубий қўлланма. –Самарқанд: СамИСИ, 2009, 248 бет Махмудова Л. Суғурта бизнеси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТАКИ, 2004
 21. Основы страховой деятельности. Учебник. / Отв.ред. проф. Т.А. Федорова. – М.: Издательство БЕК, 2002. – 768 с
 22. Сплетухов Ю.А. Страхование ответственности. Учебное пособие. – М. : Аудитор, 2001. – 172 с.
 23. Страховое дело: Учебник. в 2-х т. (пер.с нем. О.И. Крютера и Т.А. Федоровой). – Т.1: основы страхования/ под.ред. О.И Крюгера. М.: Экономист, 2004 -447 с.
 24. Скамай Л.Г. Страхование. Учеб. пос. – М.: ИНФТРА – М, 2004, 160 с.

- 25.Сербиновский Б.Ю., Гарькуша В.Н. Страхование дело. Учеб.пос. для вузов. Серия Учебники, учебное пособие Ростов н/ Д: Феникс, 2000.- 384 с.
- 26.Страхование дело: Учебник под ред. Рейтмана Л.И. – М.: Банковский и биржевой научно – консультационный центр, 1992. – 524 с.
27. Хужаев Й. Ташки иктисодий фаолиятда суғурта. Ўқув қўлланма. – Т.: Солиқ академияси,2005.
- 28.Шахов В.В. Страхование. Учебник. – М.: «ЮНИТИ»,2001.- 311 с.
- 29.Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради? Ўқув қўлланма-Т.: ФТМ. 2003. – 106
- 30.Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Учебное пособие – М.: Анкил, 2000.
- 31.Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.bir.uz
www.strachovka.ru
www.agros.uz
www.unic.gov.uz
www.lex.uz
www.kafolat.dask.uz

Қайдлар учун

Қайдлар учун

Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис
институти босмахонаси,
Самарқанд шаҳри Шохрух 60.

Бюртма №____
Ҳажми 6 б.т.
Адади 50.